...ая книжная палата УзССР
17 НОЯ 1982

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

15 НОЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ДУШАНБА. № 261 (2.667). Баҳоси 3 тийин.

МОСКВА Л. И. БРЕЖНЕВ БИЛАН ВИДОЛАШМОҚДА

Давлатимиз чуқур мотамда. Бир қанча чет мамлакатларда мотам эълон қилинди. Совет кишилари, бутун тараққийпарвар инсоният замонамизнинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби — Леонид Ильич Брежневга чуқур ҳурмат бажо этмоқдалар.

14 ноябрь куни Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарлари партия ва халқнинг содиқ фарзанди хотирасини ҳурмат билан эсга олиш учун Союзлар уйининг Колонна залига келдилар. Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. И. Долгих, Т. Я. Киселев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, К. В. Русаков ўртоқлар марҳум тобути ёнида фахрий қоровулда турадилар. Улар қайғули сукунат ичра улуғ инсон, раҳбар, сафдош, дўст ва ўртоқ хотирасини эслайдилар.

Сўнгра партия ва давлат раҳбарлари марҳумнинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарлари ёнига бориб уларга сидқидиллан ҳамдардлик изҳор этадилар.

Горький ва Пушкин кўчаларидаги меҳнаткашлар колонналарининг кети узилмайди. Одамлар ғамгин сукунатда Колонна залига келиб, номи Ватанимиз тарихининг энг муҳим босқичлари билан боғланган инсонга сўнгги бор ҳурмат бажо этадилар.

Меҳнаткаш халққа хизмат қилиш Леонид Ильичнинг бутун умри олий мақсади ва маъноси бўлди. Ишчи фарзанди Леонид Ильич доимо халқ орасида бўлиб, унинг фикр-ўйлари ва орзу-умидлари билан яшади. Пойтахт корхоналарининг ишчи коллективлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарига чуқур миннатдорчилик, муҳаббат белгиси сифатида Союзлар уйига кўплан-кўп гулчамбарлар ва гуллар келтириб қўймоқдалар. Пролетар районининг меҳнатчилари оғир жудоликдан қайғуриб тобут ёнидан ўтадилар. Улар орасида машҳур ЗИЛ ишчи ва хизматчилари бор. 1976 йил 30 апрелида Леонид Ильич билан бўлган учрашув автозаводчилар қалбида абадий қолади. Унинг маслаҳатлари, тавсиялари завод коллективи олдида турган вазифаларни ҳал этишда ишончли йўл-йўриқ бўлган эди.

Пролетарчилар кетидан Перов районининг меҳнатчилари ўтишади. Шу ерда, Москва — Сортировочная локомотив депосида, Совет давлати эҳтиёжига вужудга келган пайтда улуғ Ленин асос солган ишчилар ва деҳқонлар давлатининг ҳимоячилари — Қизил армия ва Қизил флотнинг ҳарбийлари, Совет давлатининг ҳарбий ва ҳуқуқий институти бюросининг бошлиғи М. А. Ануров. — Мен Кичик ерда Леонид Ильич билан биргаликда жанг қилганман. Унинг навқирон, довюрак сиёсий комиссар бўлганлиги ҳали ҳам эсимда, биз у билан бирга Ватан учун жанг қилган эдик. Менинг кўз олдимда у энг яхши жангчиларимизга партия билетларини топширган эди. Бундай воқеалар эсдан чиқмайди.

Леонид Ильич ёш авлод учун ҳам доно ва яхши маслаҳатгўй эди, у ёшларни ветеранларнинг ишончли ўринбосарлари деб билар эди. Л. И. Брежнев комсомол ва ёшларнинг БАМдаги, бошқа улуғ қурилишлардаги жасоратларини неча бор юксак баҳолаган эди.

— Леонид Ильичнинг вафоти сабабли бизнинг бутун қайғумизни сўз билан ифодалаш қийин, — деди «Черемушки» тикув бирлашмасининг ёш механиги В. В. Спиридонов. — Унинг порлоқ сиймоси, ҳар биримизнинг дилимиздаги фикрларни ва ҳаёлимизлаги орзуларни доимо тушунган оддий ва улуғ инсоннинг сиймоси ҳамиша қалбимизда яшайди. У Ватанимизнинг доимо равнақ топишини, кучли ва қудратли бўлишини хоҳлар эди. Биз меҳнат аҳлари худди шундай бўлишига аминмиз. Бизнинг ишончимиз КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми қарорига асосланади, бу Пленумда Л. И Брежневнинг содиқ сафдоши — Юрий Владимирович Андропов якдиллик билан партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайланди. Буни биз совет кишисининг фаровонлиги тўғрисидаги, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ҳақидаги, коммунизм идеалларининг тантанаси тўғрисидаги ғамхўрлик келгусида ҳам амалий равишда намоён бўлаверишнинг пухта давомийлиги деб биламиз. Биз ўз социалистик Ватанимизни фидокорона меҳнатимиз билан, мустаҳкамлайверамиз. Биз фидокорона меҳнатимиз билан Ватанимизни ҳар томонлама мустаҳкамлашга қўмаклашаверамиз.

— Леонид Ильич мамлакатнинг энг интиёзли синфи — болаларни сидқидилдан севганлиги барча совет оналарига маълум, — дейди 1-«Боладар китоби» фабрикасининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Д. Назарова. — Болалар бақувват ва маънавий жиҳатдан бой бўлиб ўсишлари учун Леонид Ильич жуда кўп иш қилди. Партия болалар учун кўп нусхада китоблар чиқариш ҳақида доимо ғамхўрлик қилди. Л. И. Брежнев ҳам шу ҳақда доимо шахсан ғамхўрлик қилиб келди. Биз унинг хотираси олдида бош эгамиз.

...Союзлар уйининг Колонна залидан ўтаётган одамлар оқими бир дақиқа ҳам тўхтамайди. Мотам куйларининг садолари остида марҳум тобути ёнидаги фахрий қоровул биринкетин алмашинади. Пойтахтнинг энг яхши кишилари, Советлар мамлакатидаги иттифоқдош республикаларнинг намояндалари фахрий қоровулда турадилар. Москва гарнизони қўшинларидан юборилган фахрий қоровул Совет Иттифоқи Маршали тобути ёнидаги вахтала доимий туради. Уларнинг қўлидаги қарабинлар Октябрь революциясининг ғалабалари ишончли ҳимоя остида эканлигининг рамзидир. Мамлакат Қуролли Кучлари яхши жанговар ва сиёсий тайёргарлик кўрган бўлиб, ҳар вақт агрессорга қақшатқич жавоб зарбаси уришга тайёрдирлар

Оғир уруш уқубатларини тотиб кўрган Леонид Ильич тинч турмушнинг қадрини яхши билар эди. Совет халкининг бунёдкорлик меҳнатида унга фақат тинчлик кераклигини Леонид Ильич неча марталаб такрорлаган эди. Шу боисдан Л. И. Брежневнинг номи планеталаги миллион-миллион кишилар учун тинчлик, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш йўлидаги курашдан ажралмайдиган бўлиб колди.

— Планетамизда тинчликка эришишга Леонид Ильич қўшган жуда катта ҳиссани инсоният ҳеч қачон унутмайди, —деди «Борец» заводининг моделчиси В. В. Печаткин. —У ўз умрининг сўнгги кунларигача ер юзида инсоннинг энг муқаддас ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқи, бахтиёр бўлиш ҳуқуқи учун курашди. Барча совет кишилари Л. И. Брежнев раҳбарлигида ишлаб чиқилган Тинчлик программасининг рўёбга чиқарилишига бундан буён ҳам кўмаклашаверадилар.

Л. И. Брежневнинг вафоти чет эллик дўстлар, бутун тараққийпарвар инсоният қалбига чуқур қайғу солди. Социалистик мамлакатларнинг дафн маросимида қатнашиш учун келган партия-давлат делегациялари, бошқа давлатлардаги коммунистик, ишчи ва халқ демократик партияларининг раҳбарлари унинг хотирасини ҳурматлаш учун 14 ноябрь куни Колонна залига келдилар.

Бир қанча ривожланаётган ва капиталистик давлатларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари Л. И. Брежневга чуқур ҳурмат бажо этдилар.

...Совет кишилари Леонид Ильич Брежнев билан видолашиш учун ярим тунгача келиб турдилар. Коммунистик партия, давлатимиз, ҳар бир совет кишиси учун бу қадар катта жудолик оғир мусибат бўлди. Бутун мамлакат бошига мусибат тушган шу кунларда совет халқи КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ҳукуматнинг Коммунистик партияга, совет халқига Муроҳаатнинг Ленин байроғи, Октябрь байроғи ишончли қўлларда эканлигига қатъий ишонч нишонаси деб қабул қилди. Кўпдан-кўп мотам митингларида меҳнаткашлар Ленин партиясининг синалган раҳбарлиги остида севикли Советлар мамлакатининг гуллаб-яшнаши йўлидаги курашда ўз кучғайратларини бундан буён ҳам кўпайтираверишларини айтмоқдалар. (ТАСС).

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

Шу кунларда партиямиз, бутун совет халқи, халқаро ишчилар синфи, ССР Иттифоқининг чет эллардаги миллионлаб дўстлари оғир жудолик — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Леонид Ильич Брежнев вафоти муносабати билан чуқур қайғурмоқдалар. Коммунистик партия, Совет давлатининг, халқаро коммунистик, ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатининг атоқли арбоби, тинчлик учун отаси курашчи, қарийб йигирма йил КПССнинг ленинчи штаби — унинг Марказий Комитетига бошчилик қилган, Совет давлатининг бошлиғи бўлган раҳбар ҳаётдан кўз юмди. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари Пленумида қайд этилганидек, мамлакатимиз ҳаётидаги буюк зафарлар — индустриялаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, Улуғ Ватан урушида совет халқининг тарихий ғалабаси, урушдан кейин Ватанимиз халқ хўжалигини қайта тиклаш, космосни тадқиқ этиш, экономикани, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ҳамма муваффақиятларимиз Леонид Ильич Брежневнинг номи билан бевосита боғлангандир.

Л. И. Брежневнинг партия ва давлатнинг олий лавозимларидаги фаолияти Ватанимиз ривожланган социализм марраларига чиққан, совет кишилари ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида чинакам мислсиз натижаларга эришган даврдан ажралмасдир. Бу давр ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи, мамлакатдаги барча миллатлар ва элатларнинг қардошларча дўстлиги, кишиларнинг янги социал ва интернационал бирлиги — совет халқида мужассам ифодасини топган сифат жиҳатдан янги ҳолат касб этган давр эди. Бу давр янги Асосий Қонун — СССР Конституцияси умумхалқ томонидан қабул қилинган, жамиятимизда одамларга нисбатан ишонч ва ҳурмат, осойишталик ва комил ишонч ҳос бўлган қулай маънавий сиёсий муҳит тобора мустаҳкамланган даврдир эди. Энг муҳими шундаки, бу давр дастлабки Ленин партияси. Совет давлати халқаро кескинликни юмшатиш учун, қарама-қарши социал-иқтисодий системалардаги давлатларнинг ҳалол, тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги учун олиб борган қаттиқ кураши билан таъминланган тинчлик даври бўлди.

Шу даврда КПССнинг тўрт съезди—XXIII, XXIV, XXV, XXVI съездлари инсониятнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Бу съездлар социалистик тузумнинг инсонпарварлигини, партия экономикани аҳолининг ортиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш сари кескин буриб юбориш вазифасини ўртага қўйиб, меҳнат аҳли манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлигини янги куч билан намойиш этди. КПСС ана шу съездларда ўзининг ҳозирги шароитдаги иқтисодий стратегиясини, шу жумладан аграр сиёсатдаги узоқ муддатли йўлини белгилаб олди. Марказий Комитетнинг 1965 йили март Пленуми қаҳли равишда ана шу сиёсатнинг сарчашмаси деб, СССРнинг Озиқ-овқат программаси эса унинг янада тўлароқ мужассам ифодаси деб ҳисобланади. Бу съездлар партиянинг, халқаро коммунистик ҳаракатнинг назарий ҳазинасини эндиликда марксча-ленинча фаннинг ажралмас қисми бўлиб қолган янги ҳулосалар ва қоидалар билан бойитди. Бутун планета Тинчлик программасининг қоидаларини партиямиз съезди минбаридан эшитди.

Бу давр қизғин тинч бунёдкорлик даври эди. Ленин партияси раҳбарлигидаги совет кишиларининг меҳнати билан Советлар мамлакати диёрида янги қишлоқлар ва шаҳарлар қад кўтарди, қувурлар ётқизилиб, йўллар очилди, БАМнинг пўлат излари ётқизилди. Самотлор ва Уренгой қудуқлари пармаланди. ВАЗ, КамАЗ, «Атоммаш» каби ва бошқа кўпгина улкан корхоналарнинг цехлари ишлай бошлади.

Белгиланган режаларнинг баъзиларини тўлиқ бажаришга муваффақ бўла олмадик, албатта. Бу баҳодирона фаолиятда камчиликлар, қийинчиликлар ҳам бўлдики, партия уларни аниқлаб бартараф этиш учун талайгина куч-ғайрат сарфлади. В. И. Ленин сўзлари билан айтганда бизнинг ишимиз каби «янги, бутун жаҳон тарихи учун янги ишда» қийинчиликлар ва камчиликларсиз бўлармиди ахир. Аммо биз эришган ютуқларнинг кўламини, улуғворлигини ҳеч нарса камситa олмайди. Бизнинг улуғ социалистик Ватанимиз Ленин йўлидан. Октябрь йўлидан олға томон янги, ғоят катта қадам қўйди. Жамиятимизнинг иқтисодий ва социал-сиёсий негизлари яна ҳам кўпроқ мустаҳкамланиб, эндиликда ҳар қачонгидан кўра қудратлидир. Коммунизм сари олға қараб ҳаракат қилиш учун пухта замин яратилди.

Бу ҳаракатни бир лаҳза ҳам тўхтатиб бўлмайди. Севикли Ватанимиз ўсмоқда, ривожланмоқда, камол топмоқда, бинобарин жудоликлар қанчалик аламли бўлмасин, шу улуғ жараённи тўхтата олмайди. Авлодлар кетидан авлодлар келади, одамлар ўз ишларини, юмушлари ва режаларини эстафета каби бирбирларига топширадилар. Янги жангчилар ҳам Ленин белгилаб берган йўлдан тобора олга ва олга боравередилар.

КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми партия йўли, уининг қарорлари давомийлигини тўла-тўкис тасдиқлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб бир овоздан сайланган ўртоқ Ю. В. Андропов Пленумда сўзлаган нутқида қайд этиб ўтганидек, КПСС XXVI съезди, Марказий Комитетнинг кейинги Пленумлари белгилаб берган иқтисодий, социал ва маданий ривожланишнинг энг катта вазифаларини ҳал этиш, партиямиз билан Совет давлатининг Леонид Ильич Брежнев раҳбарлигида ишлаб чиқилган ички ва ташқи сиёсат йўлини изчиллик билан амалга ошириш — бизнинг энг биринчи бурчимиздир.

Эндиликда Советлар мамлакатининг ҳар бир коммунисти учун, ҳар бир меҳнатчиси учун ўзининг иш жойида, ўз ҳаётида иложи борича кўпроқ натижаларга эришиш, планли бунёдкорлик меҳнатимиз суръати муттасил ортиб боришига ҳаракат қилиш шу куннинг вазифасидир. Ҳозирги пайтнинг ўзига хослиги ва коммунистик қурилиш режаларининг қўламигина эмас, шу билан бирга партия билан халқ тўплаган ғоявий-сиёсий, моддий-техникавий ва социал-маънавий бойлик, ривожланган социализм жамияти эга бўлган имкониятлар ҳам шуни талаб этмоқда.

Биз ҳозирги босқичда равшан бунёдкорлик программасига — КПСС XXVI съезди қарорларига, ўн биринчи беш йиллик планларига эгамиз. Ана шу қарорлар, ана шу планлар — партия билан халқ фаолиятининг мустаҳкам ғоявий-сиёсий негизидир. Уларнинг амалга оширилиши бундан буён ҳам совет кишилари турмушини янада яхшилашга қаратила беради.

Биз илғор илм-фанга, юксак маданиятли, профессионал жиҳатдан жуда яхши тайёрланган ишчи ва инженер-техник кадрларнинг кўп миллионли отрядига эгамиз. Бизнинг ишчилар синфимиз, колхозчи деҳқонларимиз, халқ зиёлиларимиз ҳамиша уюшқоқлик, ишчанлик, интизомлилик, жонажон партия режаларини амалга ошириш учун бутун кучни сарфлаб меҳнат қилиш, сабот билан курашиш қобилиятини кўрсатиб келмоқдалар. Бугунги кунда партия ташкилотлари, барча коммунистлар миллионларнинг қизғин ижодий меҳнат муҳитини бутун чоралар билан сақлаб қолиб, ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Бизда халқнинг бебаҳо мулки — жуда улкан иқтисодий потенциал ва ғоят катта табиий бойликлари мавжуд. Биз ана шу бойликларни янада зўр ғайрат билан хўжалик оборотига киритишимиз, одамларга хизмат қилдиришимиз, мамлакатни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиб, ундан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланишимиз керак.

Бизда шундай ресурслар ҳам борки, бундай ресурслар бошқа социал шароитларда йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Гап совет кишиларининг юксак сиёсий онглилиги, оташин ватанпарварлиги, интернационалистик эътиқоди тўғрисида бормоқда. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик халқимиз нақадар жиддийлигини, ватандошимиз қаерда меҳнат қилишидан ва қайси миллат ёки элатга мансублигидан қатъи назар унга Ватан манфаатлари, унинг тақдири нақадар яқинлигини яна бир бор кўрсатмоқда. Социалистик жамият онгининг онглилиги билан кучли, деган эди Ленин, биз ҳам ана шу сўзларни доимо ёдда тутишимиз керак. Партия ташкилотлари, коммунистлар идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни бундан буён ҳам кучайтириб, такомиллаштираверишлари, бу ишнинг самарадорлигини оширишга эришишлари зарур.

Биз тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўлидаги курашда Советлар мамлакатининг обрў-эътибори ғоят катта эканлиги каби ғалабамиз билан ҳам ҳақли равишда фахрланамиз. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Коммунистик партияга ва совет халқига Муроҳаатида тантанали равишда таъкидлаганларидек, бизнинг тинчликка бўлган ирода-миз ўзгармасдир. Ленин партияси, Совет давлати Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратига таяниб, совет кишиларининг, социалистик мамлакатлар меҳнаткашларининг, дўстларимизнинг тинч меҳнати пухта ҳимоя қилиниши учун бундан буён ҳам ҳамма ишни бажараверадилар.

КПСС, совет халқи олдида турган вазифалар улуғвордир, уларни ҳақли равишда жаҳоншумул тарихий вазифалар деб атамоқдалар. Бу вазифалар албатта бажарилажагига ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Партиянинг ғоят бой сиёсий тажрибаси ва жанговар қобилияти, унинг улуғ Ленин васиятларига астойдил содиқлиги, унинг омма ўртасидаги обрў-эътибори ва таъсири бунинг гаровидир. Совет жамиятининг, КПСС, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида яна ҳам маҳкамроқ жипслашаётган улуғ совет халқининг бузилмас бирлиги бунинг гаровидир. Совет кишиларининг меҳнатсеварлиги, гражданлик руҳи, ғоявий жиҳатдан чиниққанлиги бунинг гаровидир. Совет кишилари ўзларининг синалган коллектив йўлбошчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ҳар қандай воқеалар рўй берганда ҳам ҳамиша ўзининг тарихий вазифаси юксаклигида бўлаверишини жуда яхши биладилар.

Совет халқи Ленин байроғини тобора баланд кўтариб, Ленин партияси раҳнамолигида Ленин йўлидан олға бормоқда!

(«Правда» газетасининг 14 ноябрдаги бош мақоласи).

ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВНИ ДАФН ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КОМИССИЯСИДАН

Комиссия хабар қиладики, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг мамлакатда мотам эълон қилиш тўғрисидаги қарорига биноан Леонид Ильич Брежнев дафн этиладиган кун —1982 йил 15 ноябрда, жасадни қабрга қўйиш пайти —Москва вақти билан соат 12 дан 45 минут ўтганда Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар— Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тулада, қаҳрамон қалъа —Брестда, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток, Североморск, Днепропетровск, Запорожье ва Днепродзержинск шаҳарларида тўпларидан ўқ узилади.

Айни вақтда узлуксиз ишлаб чиқариш корхоналаридан ташқари Совет Иттифоқининг бутун территориясидаги ҳамма корхона ва ташкилотларнинг иши беш минут тўхтатилади; фабрикаларда, заводларда, темир йўлларда, денгиз ва дарё флотининг кемаларида уч минут мобайнида гудок чалиниб салют берилади.

ОДАМЛАР БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА

Коммунистик партия ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Леонид Ильич Брежнев вафот этганлиги тўғрисидаги хабар Наманган районидаги «Ленинград» колхози барча меҳнаткашларини ҳам қайғуга солди. Хўжалик пахтакорлари мотам митингига тўпландилар.

—Шафқатсиз ажал Ленин ишининг содиқ давомчиси Леонид Ильич Брежневни орамиздан олиб кетди, —деди митингда сўзга чиққан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, колхоз аъзоси И. Эгамбердиев. — Леонид Ильичнинг одамлар бахт-саодати йўлидаги жўшқин меҳнатга тўла ҳаёти бизлар учун ҳам, болаларимиз ва набираларимиз учун ҳам коммунизм идеалларига хизмат қилиш намунасидир. У қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга жуда катта шахсий ҳисса қўшди, қишлоқ меҳнаткашлари тўғрисида, жумладан пахтакорлар тўғрисида зўр ғамхўрлик қилди. Леонид Ильичнинг тинчликни мустаҳкамлаш ишидаги жуда катта хизматларини ҳамиша эсда сақлаймиз.

Мотам митингида сўзга чиққан кишилар Леонид Ильич Брежнев бошчилигида ишлаб чиқилган Озиқ-овқат программасида ўртага қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга ўзимизнинг бутун куч-ғайрат ва маҳоратимизни сарфлаймиз, деб якдил фикр билдирдилар. (ЎзТАГ).



Москва. 1982 йил 14 ноябрь. Союзлар уйининг Колонна зали. Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари фахрий қоровулликда турибдилар.
С. Смирнов ва А. Стешанов фотоси.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ БЕЛГИЛАГАН ЙЎЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Шу кунларда бутун жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътибори Москвага қаратилган. Совет халқи бу ерда улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, замонамизнинг буюк сиёсат ва давлат арбоби Леонид Ильич Брежнев билан видолашмоқда. Турли мамлакатларнинг газеталари, жамоат ва давлат арбоблари, КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда, тинчлик учун ва ядро фалокатининг олдини олиш учун курашда Л. И. Брежневнинг жуда катта хизматларини уқтириб ўтмоқдалар.

Чет эл оммавий ахборот воситалари КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми тўғрисида ва ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретарлигига бир овоздан сайланганлиги тўғрисида хабар бериб, Пленумда КПСС XXVI съезди белгилаган йўлни давом эттиришга КПСС азму қарор қилганлиги таъкидлаб ўтилади. Газеталар Ю. В. Андроповнинг КПСС XXVI съезди қарорларида белгилаб берилган коммунистик қурилиш программасини муваффақиятли бажариш учун, СССРнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда давомийликни таъминлаш, совет халқининг фаровонлигини ошириш, тинчликни мустаҳкамлаш учун, Л. И. Брежнев даврида ўтказиб келинган бутун ленинча ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишга ўзимизнинг бутун кучим, билимим ва ҳаётий тажрибамни сарфлайман деб, КПСС Марказий Комитетига, Коммунистик партияга ваъда берганлигини алоҳида уқтириб ўтади. Газеталар К. У. Черненко нутқини эълон қилиб, унинг қуйидаги сўзларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқдалар: бизнинг 18 миллионли партиямиз якдил ва жипслашган. Совет халқи

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари

Партия Марказий Комитетининг 1982 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари Пленуми материаллари алоҳида китобча қилиб чиқарилди. Унга КПСС Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисидаги информацион бюллетени, ўртоқ Ю. В. Андропов нутқи, ўртоқ К. У. Черненко нутқи, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг қисқача таржимаи ҳоли киритилган.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

Леонид Ильич БРЕЖНЕВ

ЧУҚУР ТАЪЗИЯЛАР

Шу кунларда давлатлар ва партияларнинг раҳбарлари, турли мамлакатлар ҳукуматларининг бошлиқлари СССР элчихонасига келиб замонамизнинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби Л. И. Брежнев хотирасини чуқур ҳурмат билан эъзозламоқдалар.

БУДАПЕШТ. ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари — Марказий Комитет секретари К. Немет, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар, ВХРнинг бошқа раҳбарлари СССР элчихонасига келдилар. Улар замонамизнинг буюк сиёсат ва давлат арбоби, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан самимий ҳамдардлик изҳор этиб, таъзия китобига имзо чекдилар.

ВАРШАВА. ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельский, Давлат Кенгашининг Раиси Г. Яблоньский, мамлакатнинг бошқа партия ва давлат раҳбарлари СССРнинг ПХРдаги элчихонасида бўлдилар. Улар таъзиялар китобига имзо чекиб, В. И. Ленин ишининг содиқ давомчиси, ўз партияси ва халқига асойдил содиқ инсон, ўзининг бутун ҳаётини коммунистик қурилиш улуғвор программасини амалга оширишга, социалистик давлатлар қардошлик оиласи бирлиги ва куч-қудратини мустаҳкамлаш ишига бағишлаган Л. И. Брежневнинг вафоти муносабати билан чуқур қайғу изҳор этдилар.

СОФИЯ. Г. Филипов, П. Младенов ҳамда БКП ва Болгария давлатининг бошқа раҳбарлари СССРнинг ҳарбий даги элчихонасига келиб, Л. И. Брежневнинг хотирасини бир минут сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

Улар БКП Марказий Комитети, БХР Давлат Кенгаши, Министрлар Совети номидан ва БКП Марказий Комитети Бош секретари, БХР Давлат кенгашининг Раиси Т. Живков номидан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига, совет коммунистлари ҳамда бутун совет халқига болгар коммунистларининг, бутун болгар халқининг чин қалбдан ҳамдардликларини изҳор этдилар.

ПРАГА. Чехословакия раҳбарлари Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан СССР элчихонасида чуқур ҳамдардлик билдирдилар. ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзолари, ЧКП Марказий Комитетининг секретарлари таъзиялар китобига имзо чекдилар.

ГАВАНА. Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, республика Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Ф. Кастро, Кубанинг бошқа раҳбарлари СССР элчихонасига келдилар. Улар бир дақиқа сукут сақлаб Л. И. Брежнев хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар ва таъзиялар китобига имзо чекдилар.

УЛАН-БАТОР. Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан МХР партия ва ҳукуматининг раҳбарлари Ю. Цеденбал бошчилигида СССР элчихонасига келдилар. Улар таъзия китобига имзо чекиб, қуйидагиларни ёзиб қолдирдилар: «Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, монгол халқининг қалин дўсти, МХР қаҳрамони, МХРнинг Меҳнат қаҳрамони, МХРнинг фахрий граждани Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан СССР коммунистлари ва меҳнаткашлари, дунёдаги тараққийпарвар кучлар билан биргаликда чуқур қайғурмоқдамиз».

ХАНОЙ. ВКП Марказий комитети, ВСР Давлат Кенгаши ва ВСР Министрлар Советининг делегацияси СССР элчихонасида бўлиб, Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан таъзия билдирдилар. Вьетнам раҳбарлари —Ле Зуан, Чьонг Тинь, Фам Ван Донг ва Нгуен Хну Тхо делегация номидан таъзия китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб, унда улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, КПСС ва Совет давлатининг атоқли раҳбари, тинчлик учун, социализм ва коммунизм ғалабаси учун толмас курашчи, Вьетнам халқининг қалин дўсти Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этдилар.

ПХЕНЬЯН. Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сен, КМП ва КХДР ҳукуматининг бошқа раҳбарлари СССР элчихонасида бўлиб, Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан таъзия изҳор этдилар.

ПНОМПЕНЬ. КХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Чеа Сим, Чан Си, Сай Бутхонг, Бу Тхонг, Чеа Сот ва Кампучия Халқ Республикасининг бошқа партия-давлат раҳбарлари СССРнинг КХРдаги элчихонасига келдилар. Улар КПСС ва Совет давлатининг буюк раҳбари, коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этдилар.

ПЕКИН. Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан Умумхитой халқ вакиллари мажлиси Доимий комитети раисининг ўринбосари Уланьфу, ХХР Давлат Кенгашининг аъзоси, ХХР ташқи ишлар министри Хуан Хуа ва бошқалар СССР элчихонасига келиб, чуқур таъзия билдирдилар. Улар таъзия китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирдилар.

ГАВАНА. Расмий визит билан Кубага келган ЛХДР Президенти, Лаос Олий халқ мажлисининг Раиси Суфанувонг Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан СССРнинг Гаванадаги элчихонасида бўлди. У Л. И. Брежневнинг мотам лентаси билан ўралган портрети ёнига гулчамбар қўйиб, унинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олди ва таъзиялар китобига имзо чекди.

БЕЛГРАД. ЮСФР Президиумининг Раиси П. Стамболич ЮКС Марказий Комитети Президиумининг Раиси М. Рибичич, ЮСФР скупщинасининг Раиси Р. Диздаревич ҳамда Югославиянинг бошқа партия ва сиёсий арбоблари Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан СССР элчихонасида бўлиб, таъзиялар китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирдилар.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Бош министри И. Ганди СССР элчихонасига келди. У Л. И. Брежневнинг хотирасини ҳурмат билан эсга олиб, таъзиялар китобига имзо чекди.

МАНАГУА. Сандиночилар Миллий озодлик фронти миллий раҳбарлигининг ва миллий тикланиш ҳукумати раҳбарлик кенгашининг аъзолари СССР элчихонасида бўлдилар. Миллий раҳбарлик аъзоси, ҳукумат раҳбарлик кенгашининг координатори Даниэль Ортега таъзия китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қўйди.

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг ва Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссиясининг Раиси Менгисту Хайле Мариам Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан СССР элчихонасига келиб, таъзиялар китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирди.

ЛУАНДА. МПЛА—меҳнат партиясининг Раиси, Ангола Халқ Республикаси Президенти Жозе Эдуарду Душ Сантуш бошчилигидаги МПЛА Меҳнат партиясининг делегацияси СССР элчихонасида бўлдилар. Ж. Эдуарду Душ Сантуш таъзиялар китобига ҳамдардлик сўзларини ёзди.

БАМАКО. Мали халқи демократик иттифоқи партиясининг Бош секретари, Мали Республикасининг Президенти М. Траоре СССР элчихонасига келиб, таъзиялар китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирди.

ЛУСАКА. Замбия Президенти К. Каунда ва Миллий мустақиллик бирлашган партиясининг Бош секретари Х. Мулемба Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан СССР элчихонасида бўлиб, таъзия изҳор этдилар.

БИСАУ. Панги (Гвинея—Бисау Республикаси) партиясининг Бош секретари, ГБР Революцион кенгашининг Раиси Жоау Бернарду Виейра бошчилигидаги Гвинея — Бисау Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси СССР элчихонасида бўлди. Ж. Б. Виейра таъзиялар китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирди.

ХАРАРЕ. Зимбабве Республикасининг Президенти К. Банана ва мамлакат Бош министри Р. Мугабе бутун СССР элчихонасига келиб, таъзиялар китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирдилар.

БАЙРУТ. Таъзия изҳор этиш учун СССР элчихонасига келган Ливан Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ж. Хаун ёзиб қолдирган таъзияномада тинчлик, социализм учун, барча халқларни озод қилиш учун курашда Л. И. Брежнев ғоят катта роль ўйнаганлигини таъкидлади.

МАНИЛА. Филиппин Президенти Фердинанд Маркос, катта Манила губернатори, «Филиппин —СССР» дўстлик жамиятининг фахрий президенти Имельда Маркос СССР элчихонасига келиб, Л. И. Брежневнинг хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар ва таъзиялар китобига имзо чекдилар.

КАТМАНДУ. Непал Бош министри С. Б. Тхапа, Непал ҳукуматининг бошқа аъзолари Л. И. Брежневнинг вафоти муносабати билан СССР элчихонасида бўлиб, ҳамдардлик изҳор этдилар ва таъзия китобига имзо чекдилар.

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатлар Президенти Р. Рейган СССРнинг АҚШдаги элчихонасига келиб, таъзиялар китобига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирди: «Мен Президент Брежневнинг оиласига ва Совет Иттифоқи халқига таъзия билдираман. Бизларнинг халқларимиз шу планетада бирга осойишта яшайверсинлар».

Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси У. Кларк ва Президент маҳкамаси раҳбарининг ўринбосари М. Дивер Р. Рейганга ҳамроҳ бўлиб келдилар.

АҚШ Давлат секретари Ж. Шульц ҳам СССР элчихонасида бўлди.

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош секретари Х. Перес де Кузльяр Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонасига келиб, таъзиялар китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирди.

ХЕЛЬСИНКИ. Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвисто Л. И. Брежневнинг вафоти муносабати билан СССР элчихонасида бўлиб, чуқур таъзия изҳор этди.

ТОКИО. Япония Бош министри Д. Судзуки СССР элчихонасида бўлди. У Л. И Брежнев вафоти муносабати билан Япония ҳукумати ва халқи номидан таъзия билдирди.

ОСЛО. Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан Норвегия Бош министри К. Виллок СССР элчихонасига келиб, таъзиялар китобига имзо чекди.

(ТАСС, 13 ноябрь).

БОҚИЙ УМР

Партия ва давлатимизнинг раҳбари бўлган Леонид Ильич Брежневнинг вафоти бутун халқимиз ва бизнинг ҳар биримиз учун оғир жудолик бўлди. Кечагина эълон қилинган партия ва ҳукуматимизнинг Мурожаатида бизнинг энг теран фикрларимиз ва ҳис-туйғуларимиз тўлиқ ифода этилгандир.

Сўнгги ўн йилликлар давомида биз ҳаммамиз бутун совет жамияти билан биргаликда қандай яхши ҳаёт кечирган бўлсак ва қанақа ютуқларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг ҳаммасида КПСС Марказий Комитетининг, Совет давлатининг, Леонид Ильич Брежневнинг ленинча раҳбарлигидан ёғилган нур ва ҳарорат бор.

Уруш кўрган қаҳрамон Л. И. Брежнев ўзининг раҳбарлик фаолияти давомида тинчлик учун сабот ва матонат билан курашди. Мамлакатимиз халқлари салкам қирқ йилдан бери урушсиз, тинч ва фаровон ҳаёт кечирмоқда. Тарих китобларини варақласангиз тинчликнинг бундай катта мамлакатда бунчалик узоқ давом этган олтин даври ўтган асрларнинг ҳеч бирида бўлмаганини кўрасиз.

Л. И. Брежнев партия ва давлатимизнинг ленинча иш услубини ҳаётимизнинг барча соҳаларига маҳорат билан татбиқ этди. Унинг фаолияти саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам, фан, маданият, санъат ва адабиётда ҳам жуда катта юксалишларнинг омили бўлди.

Меҳнаткаш халқ орасидан чиққан Л. И. Брежнев Совет Иттифоқининг барча халқларига юракдан дўст эди, бошқа иттифоқдош республикалар қатори Ўзбекистонни ҳам астойдил эъзозлар эди. Айниқса, унинг қаҳрамон пахтакорларимиз меҳнати ва маҳоратига қойил бўлиб, «оқ олтин»ни олтин қўллар яратади» деган ҳикматли сўзларни айтгани ёдимизга унутилмас бўлиб муҳрланиб қолгандир. Леонид Ильич Брежневни Тошкентда кутиб олганларимиз, корхоналарга, колхоз ва совхозларга борганида кўрганимиз, оғир эпидемия кунларида ундан улкан ёрдамлар олганимиз хотирамизда абадий сақланажак. Шу йил баҳорда, дарахтлар қийғос гуллаган наврўз кунларида Леонид Ильич Москвадан махсус келиб, республикамиз байроғига учинчи Ленин орденини тақиб кетганини ҳозир ҳам ҳаяжон билан эслаймиз. Ундан олдин Л. И. Брежнев Ўзбекистонимизга «Халқлар дўстлиги» орденини топширгани бутун халқимизни янги ютуқларга илҳомлантирган эди. Шунинг учун Совет Ўзбекистонининг қўлга киритган барча ютуқларида Леонид Ильич Брежневнинг улкан ҳиссаси бор дейишга ҳақлимиз.

Биз қалам аҳли Л. И. Брежневнинг улкан иқтидорлик заковатидан жуда кўп баҳраманд бўлдик. Унинг халқ бағридан чиққан талантларга оталарча ғамхўрлиги, айни вақтда, партиявий талабчанлик билан уларни тўғри йўлга бошлаши бутун маънавий ҳаётимизни янги босқичларга кўтаришга имкон яратди.

Жудолик тоши оғир. Шу қайғули дамларда биз жонажон партиямизга, КПСС Марказий Комитетига, Л. И. Брежнев билан ҳамжиҳат бўлиб бирга ишлаган унинг сафдошларига чексиз ишонч билдирамиз. Партиянинг қудратли ақл-заковати, коллектив иродаси Ленин байроғини, Октябрь байроғини янги юксакликлар сари олиб боришига аминмиз.

Бизнинг ҳар биримиз ўз иш ўрнимизда партия ва ҳукуматимиз Мурожаатига янги куч, ғайрат, юксак онглилик ва уюшқоқлик билан жавоб берамиз. Ҳар бир совет киши ўзининг халқ олдидаги, партия олдидаги бурчини чин дилдан адо этса, Леонид Ильич Брежневнинг ёрқин хотирасига энг муносиб иш ана шу бўлади.

Пиримқул ҚОДИРОВ,
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати.



Москва. Мотам колоннаси Пушкин майдонидан Союзлар уйи томон йўл олаётир.

ТАСС телефотоси.

БУТУН КУЧИМИЗНИ КОММУНИЗМ ИШИГА БАҒИШЛАЙМИЗ

Замонамизнинг атоқли давлат ва сиёсат арбоби, тинчлик учун толмас курашчи Леонид Ильич Брежневнинг вафот этганлиги тўғрисидаги хабар Тошкент агрегат заводи меҳнаткашларини ҳам чуқур қайғуга солди. Минглаб ишчилар мамлакатимизда коммунизм қурилишида эришилган жуда катта муваффақиятлар билан номи боғлиқ бўлган инсоннинг ёрқин хотирасини ҳурмат билан эсга олиш учун мотам митингига келдилар.

Ишчи Б. Ибодбеков сўзга чиқади:

—Леонид Ильич Брежнев вафоти муносабати билан чуқур қайғу чекаётганлигимизни сўз билан изҳор қилиш қийин, дейди у. Леонид Ильичнинг партия ва совет халқи олдидаги хизматлари жуда катта. Унинг доно йўл-йўриқлари бизга ҳамиша қийинчиликларни бартараф этишга, ғалабага эришишга кўмаклашарди. Леонид Ильичнинг бутун фикр-зикри меҳнаткашлар манфаатларига бўйсундирилган эди. У Тошкентда бўлган вақтида Тошкент тракторсозлари тўғрисида фахрий меҳмонлар китобига ёзиб қолдирган ғоят самимий сўзлар заводимиздаги ҳар бир ишчи қалбига жо бўлган эди. Бу сўзлар бизга ҳам тааллуқлидир, чунки биз ишлаб чиқарган деталларнинг катта қисми тракторлар йиғиш учун жўнатилади. Ишимизга берилган бу баҳони эсда тутиб, бизлар бундан буён ҳам юксак сифатли ва пишиқ машиналар яратиш устида фидокорона меҳнат қиламиз.

Биз ишчилар, ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга Леонид Ильич Брежнев қўшган буюк ҳиссани ҳамиша миннатдорчилик билан эсда тутамиз. Мана, салкам 40 йилдирки, тинч осмон остида меҳнат қилаётганлигимизда Леонид Ильичнинг хизматлари беқиёсдир.

Мотам митинги қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатига зарбдор меҳнат билан жавоб беришни, бутун кучимизни партия Леонид Ильич Брежнев раҳбарлигида белгилаб берган планларни муваффақиятли бажаришга сарфлашни ўзимизнинг мукаддас бурчимиз, деб қисоблаймиз, деб ваъда бердилар. Сўзга чиққан кишилар КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми қарорларини яқдиллик билан маъқуллаҳжакларини билдирдилар. (ЎзТАГ).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ БЕЛГИЛАГАН ЙЎЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

(Боши биринчи бетда)

партиянинг донолигига сидқидилдан ишонади... Барча партия органларида ахил бўлиб, бирлашиб ишлаш коммунистик қурилишда ҳам, халқаро майдондаги фаолиятимизда ҳам янада муваффақиятларга эришувимизни таъминлайди.

● Ханойда ВКП Марказий Комитети Бош секретари Ле Зуан раислигида **Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг** фавқулодда мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис иштирокчилари Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан ўтказилаётган тадбирларга доир масалаларни муҳокама қилдилар. ВКП Марказий Комитети, ВСР Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг, Вьетнам Ватан фронти Ханойда Л. И. Брежнев билан видолашув маросимини уюштиради. Мамлакатда мотам эълон қилишга қарор қилинди.

● Л. И. Брежневнинг вафоти монгол халқи учун ҳам ғоят оғир жудоликдир. МХР коммунистлари ва меҳнаткашлари шу кунларда КПСС ва совет халқи билан дўстликни бундан кейин ҳам тинмай мустаҳкамлашга қатъий қарор берганликларини билдирмоқдалар, деди МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, МХР Министрлар Совети Раиси Ж. Батмунх.

● **Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети, КХДР Марказий Халқ Комитети ва КХДР Маъмурий кенгаши** қўшма қарорида ўрток Л. И. Брежнев ўзининг бутун ҳаётини Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилиш ва совет иттимоий тузумини мустаҳкамлаш ишига бағишлаган КПСС ва Совет давлатининг таниқли арбоби эканлиги уқтириб ўтилади.

15 ноябрь куни ҚХДРда умуммиллий мотам куни деб эълон қилинди.

● Совет халқининг улуғ фарзанди Леонид Ильич Брежнев ўзининг бутун ҳаётини охирги дақиқаларгача тарихий ишга, социализм ишига бағишлади, деб ёзади Чехословакиянинг **«Руде право»** газетаси ўзининг редакцион мақоласида. Л. И. Брежнев ҳаётдан кўз юмди. Совет коммунистлари партияси, улуғ ва биз учун ғоят азиз Советлар мамлакати эса ёшайверади. Совет халқи билан дўстлигимиз ҳам абадий бўлиб қолади. Қайғули дақиқалар қалбимизни алам билан тўлдирди, лекин бу қайғулар коммунистларнинг жангговар юрагини сира бўшаштирмайди, юз миллионлаб меҳнаткашларнинг абадий бахтиёр марксизм-ленинизм ғояларини амалга оширишга, урушларсиз ва жабр-жафоларсиз дунё қуришга, инсон фаровонлиги ва бахт-саодати учун ишлашга бўлган иродасини сўндираолмайди.

● **Ҳиндистон Миллий конгресси ҳукмрон партияси Ишчи комитетининг** Индира Ганди раислигида ўтган мажлисида қабул қилинган резолюцияда қуйидагилар таъкидланади: Л. И. Брежнев Ҳиндистоннинг қалин дўсти эди. Ҳиндистон Миллий конгресси Ҳиндистон — Совет дўстлигини ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга шахсан унинг кўшган ҳиссасига юксак баҳо беради. У, халқаро кескинликни юмшатиш ва бутун дунёда тинчлик ишининг тантанаси учун курашда тинмай сарфлаган куч-ғайрати туфайли ҳозирги тарихда ўчмас из қолдирди. Ҳиндистон — Совет дўстлигини ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, тинчлик учун курашни давом эттириш Л. И. Брежнев учун энг яхши хотира бўлади.

● КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми тўғрисидаги ва Пленумда Ю. В. Андропов ва К. У. Черненко ўртоқларнинг нутқлари тўғрисидаги хабарлар жаҳон матбуоти саҳифаларида, турли мамлакатлар радио ва телевидениеси эшитиришларида катта ўрин олди. Социалистик мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари пленумнинг иши ва унинг якунлари тўғрисида батафсил хабар бердилар.

● Польшанинг **«Трибуна люду»** газетаси Пленум тўғрисидаги информацион биллиришни қуйидаги сўзлар билан бошлайди: «Ю. В. Андропов: партиямиз ва Совет давлатининг Л. И. Брежнев раҳбарлигида ишлаб чиқилган ички ва ташқи сиёсат йўлини изчиллик билан амалга ошириш — бизнинг энг биринчи бурчимиздир».

Польшада чиқадиган **«Жолнеж вольности»** газетаси «Улуғ социалистик ҳамдўстликнинг қудрати ва ҳар тарафлама ҳамкорлигининг чуқурлашуви Л. И. Брежневнинг номи ва фаолияти билан чамбарчас боғланган-дир», деган сўзларни сарлавҳа қилиб чиқарди.

● Венгриянинг **«Непсабадшаг»** газетаси бундай деб ёзади: «Бизнинг қардош Совет Коммунистик партиямиз Юрий Владимирович Андропов сиймосида КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимига ўз коллектив раҳбарлигининг тажрибали, халқаро майдонда танилган ва ҳурматли аъзосини сайлади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозими ғоят катта масъулият билан боғланган бўлиб, КПСС ва Совет давлатининг алоҳида ҳалқаро мавқеидан келиб чиқади. Бу лавозимни ўсмирлик чоғлариданоқ ўзининг бутун таланти ва кучини ўз Ватанининг барқ уриб яшнаши ишига, коммунизм ғалабаси ишига, бутун инсоннят тараққиётига бағишлаган коммунист, сиёсий арбоб эгаллади.

● Совет халқи ва халқаро миллатлар ҳамжамияти ўзининг бутун кучини дунёда кескинликни юмшатишга ва халқлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга эришишга бағишлаган раҳбардан жудо бўлди, деди БМТ Бош секретари **Х. Перес де Кузльяр.** Л. И. Брежнев иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини шахсан бошидан кечирган киши эди, қуролсизланиш учун қаттиқ туриб курашга бўлган эҳтироси, шунингдек Совет Иттифоқининг тинчлик ва хавфсизликка бағишланган кўп сонли ташаббуслари ҳам шу билан изоҳланади.

● Л. И. Брежнев давримизнинг атоқли давлат арбоби эди, у ҳамма вақт бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун курашиб келди, ҳамиша араб халқларининг дўсти бўлиб, араб халқлари рўёбга чиқариш учун курашаётган адолатли принципларни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга ёрдам бериб келди, деди Ливан Бош министри **Шафиқ Ваззан.**

● Совет халқининг улуғ фарзанди, замонамизнинг буюк сиёсат арбоби Леонид Ильич Брежневнинг вафоти бутун дунёда чуқур қайғу билан кутиб олинди, деди Америка Марксистик тадқиқотлар институтининг директори тарихчи **Герберт Аптекер.** Содиқ ленинчининг номи ва бутун ҳаёти тинчликни ва инсониятнинг ўзини сақлаб қолиш учун фидокорона кураш билан чамбарчас боғлангандир. Л. И. Брежнев Ленининг сиёсатини давом эттириб, ҳозирги замонинг мана шу энг буюк вазифасини амалга ошириш йўлида куч-ғайратини аямади. Жаҳондаги барча холис ниятли кишиларнинг таҳсини ва миннатдорчиликларга сазовор бўлди.

● Хитойнинг **«Жэньминь жибао»** газетаси Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари қилиб сайланганлиги тўғрисидаги хабарни биринчи саҳифасида эълон қилиб қуйидагиларни таъкидлади: Ю. В. Андропов Л. И. Брежнев раҳбарлигида ишлаб чиқилган ички ва ташқи сиёсат бундан кейин ҳам давом эттирилади, деб айтди. Газета КПСС Марказий Комитети янги Бош секретарининг таржимаи ҳолини эълон қилди.

● КПСС Марказий Комитети Пленуми ишига ғарбда ҳам катта эътибор бермоқдалар. **Американинг ЮПИ агентлиги** қуйидагиларни уқтириб ўтади: «КПСС Марказий Комитетининг янги Бош секретари «Тинчликни империалистлардан илтимос қилиб олиб бўлмайди, тинчликни Совет қуролли кучларининг енгилмас қудратига таянибгина ҳимоя қилиш мумкин», деди.

Ю. В. Андроповнинг Совет Компартияси навбатдан ташқари Пленумидаги нутқи Совет Иттифоқининг янги раҳбарлари изчил ташқи сиёсат йўлини давом эттираверишидан далолат беради, деб таъкидлайди **Америкаинг Эй-Би-Си телекомпанияси.**

● Англиянинг **«Гардиан»** газетаси Ю. В. Андроповнинг Пленумдаги нутқи, совет раҳбарларининг ташқи ва ички сиёсати ўзгармас эканлигини тасдиқлаганлигини уқтириб ўтади.

● Тинчликни сақлаб қолиш, деб таъкидлайди **«Морнинг стар»** газетаси, СССРнинг биринчи навбатдаги вазифаси бўлиб қолади.

(ТАСС, 13 ноябрь).

БИЗ ҲАМИША СЕН БИЛАН, ЖОНАЖОН ПАРТИЯ!

Тошкент тўқимачилик комбинатининг минглаб меҳнаткашлари мотам митингига тўпландилар. Ҳамманинг нигоҳи Леонид Ильич Брежневнинг қора лента билан ўралган портретига қаратилган.

—Ҳар биримиз учун азиз бўлган Леонид Ильичнинг вафоти муносабати билан ғамандуҳимизни изҳор қилиш учун сўз тополмаймиз, —деди митингда сўзга чиққан йигитрувчи Абдурашид Абдукаримов. —Ленин ишининг содиқ давомчиси, замонамизнинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби ҳаётдан кўз юмди. Леонид Ильич ўзининг бутун ёрқин ҳаётини партия ва халққа хизмат қилишга бағишлади. Совет кишиларининг бахт-саодатига, уларнинг фаровонлигини оширишга, ер юзида тинчликни сақлаб қолишга сарфлади. Совет Иттифоқининг бутун ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар сингари биз тўқимачилар ҳам КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан юксак онглилик ва уюшқоқлик кўрсатиб, коммунизм йўлида янада ғайрат билан меҳнат қиламиз. Биз ҳамиша сен билан, жонажон партия, атрофингда ўз сафларимизни янада жипслаштираверамиз. Биздар Леонид Ильич Брежневнинг бевосита иштирокида ишлаб чиқилган барча планларни амалга оширишга қасамёд қиламиз.

Митинг қатнашчилари бундан буён ҳам Советлар мамлакати бойлигини ва қудратини мустаҳкамлашга бутун куч ва ғайратларини сарфлашга азму қарор берганликларини, КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари пленуми қарорларини тўла қўллаб-қувватлашларини изҳор қилдилар.

(ЎзТАГ).

БУТУН ҲОСИЛНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛАЙЛИК!

ПАХТАЗОРДАГИ ЖАСОРАТ

Вазият юксаклигида, Ватанга берган сўзимиз юксаклигида бўламиз— Ўзбекистонда пахта йиғим-теримини ана шу жанговар шиор остида якунлашяпти



Пахтакорларнинг меҳнат вахтасидан ёзилган бу репортажни мен Тўрткўлдан олиб боряпман. Тошкентдан Тўрткўлгача Қизилқум устидан 1.100 километр учиб ўтиш керак. Мен у ерга юк ташиш рейси билан етиб бордим. ЯК-40 салони қоғозқоплар ва иссиқ кийимлар уюми билан тўла эди. Бу юк кооператорларинг далага шошилинч равишда юборган ярим миллион пахтали куртка ва телпак, миллион жуфт кирза этик комплектларининг сўнги партияси экан — одатда иссиқ кунлари бўладиган бу мавсумда пахтакорларга ана шундай одатдан ташқари юк керак бўлибди.

Шу куни қуёш чиқиб турарди, мен қоплар ва қутилар оралиғидаги ўриндиққа жойлашиб беихтиёр ўйладим: балки бу юклар энди зарур бўлмас. Аммо биз сахро ўртаси устидан учиб улғурмасимизданоқ самолёт қанотлари остида шимол томондан кумушсимон булут ёпирилиб кела бошлади — бу Ўрта Осиёга совуқнинг янгидан ҳужум қилиши белгиси эди. Тўрткўл қўниш майдонида яна тўзон кўтарилганди. Тўрткўл район ижроия комитети раиси Абдулла Юсупов билан тўғри далага йўл олдик.

Мен «Намуна» колхозидаги танишим Сафарбой Рўзимовни далада тезда таний олмадим. Бригадир бундай пайтларда одатда ё комбайн олдида, ё хирмон бошида пахта ортилган машиналарни тайёрлов пунктига жўнатиш билан банд бўларди. Бу ерда эса у ҳамма билан эгат оралаб юрган экан.

Рўзимов бригадаси ишни дўндириб қўйди: ўз участкасидаги 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 57 центнердан пахта олди, унинг деярли ҳаммасини биринчи ва иккинчи сортларга топширди. Худди шундай сўзларни давлатга пландаги 3.250 тонна ўрнига 3.550 тонна биринчи сорт пахта топширган колхоз ҳақида ҳам — бошқа еттита колхоз ва тўртта совхознинг ҳамласи ҳақида ҳам алоҳида ҳолда, пландаги 49 минг тонна ўрнига кейинги йилларда энг юқори кондициядаги 54 минг тонна пахта тайёрлаган район ҳақида ҳам айтиш мумкин. Ва ниҳоят, Қорақалпоғистон автоном республикасининг ўзи пландаги 400 минг тонна ўрнига қарийб 430 минг тонна пахта тайёрлаб қўйди. Сўнгги чаноқларни йиғиш қийин бўлади, лекин бу ҳам пахта, уни ҳам териб олиш керак.

Бу ҳақда гарчи ҳали ишониб улгурмаган бўлса-да, тез кириб кетган Рўзимов чой қуяётиб, бошқа сўзлар билан бўлса ҳам, гапирди. Бирдан ёзни эслаб қолди. Унинг сувчиларидан бири далага ўз «Жигули»сида келади. Сув тутишда, агар бу иш механизациялашмаган бўлса, асосий қурол кетмон ҳисобланади, сувчилар унинг дастасини узун қилишади — шундай ишлаш қулайроқ. Лекин дастаси узун кетмон машинага сиғмайди, сувчи уни калта қилиб олади.

— Биз унга бошқа сувчилар қандай ишласа, шундай ишлаш керак деб айтдик, — бригадир кулиб қўяди, — сен энди биз айтгандай ишлолмайсан. Дала ҳам «ишлов бермоқ» сўзини ёқтирмайди. Дала «парвариш қилмоқ» сўзини ҳуш кўради. Ғўза ҳали ўсар экан у бамисоли гўдак...

Ингит ҳаммасини тушунди, кетмон дастасини алмаштирди, машинада кам юрадиган, кўпроқ яёв келадиган бўлди.

Тўрткўлликларнинг феъли мулойим. Аммо улар деҳқончилик тажрибасида ўзига хосдир. Уларнинг асосий дала юмушларидан ғўза яганаси қолган. «Баҳорда нима қолдирсанг, кузда шуни оласан», — шундай нақл бор уларда. Уларни ўзлари яратган агротехника усулидан бошқасига ўргатиш қийин, уларда Ўзбекистонда ва мамлакатда энг серҳосил районлардан бири бўлган шаън учун жонкуярлик мавжуд. Бу жонкуярлик кўпинча уларда эканлигини айтишди, у ерда бригаданинг кўчма бўлинмаси бор экан.

Жамбасқалъа ҳаритадан жой олган. Одамлар яратган бу кичик воҳа Амударёдан кўтарилган ўзига хос мўъжиза Қизилқумда кескин яшил дала янглиг кўзга ташланади. Йўл бўйлаб айрилиш бор — йўллар қўриқдаги «КПСС XXV съезди», И. Р. Қурбонов номли, дон-чорвачиликка ихтисослашган «Целинник» ва ҳозирча хўжалик ҳисобидаги участка деб ҳисобланадиган «5-А» совхозларига ажралади. Бу ерда биз район партия комитети биринчи секретари Қосим Нурумбетов билан учрашдик. У уч кунидан икки кунини шу ерда, қўриқда ўтказади. Райком секретари летучкани ҳам ана шу йўл айрилган жойга чақирди, унга «Қирккизирсовхозстрой» трести қурувчиларини, хўжаликларнинг директорларини таклиф қилди ва шамолдан ёқаларини кўтарган ҳолда беркитиб, ҳали автомашиналарнинг совиб улгурмаган радиаторига суяниб улар билан кенгашди: Жамбасқалъа — районнинг истиқболи, ҳозир эса келгуси йил ҳосили ҳақида жиддий ўйлаш муҳимдир.

Сўнгра 5 совхоз директори Юсуфбой Иброҳимов билан хўжалик далалари томон юрамиз. Иброҳимов ҳозир агрофакнинг бешинчи курсида сиртдан ўқийди, унгача олий партия мактабини битирган, ундан олдин эса... консерваторияда трубада чалиш курсини битирди, жонажон шаҳрида оркестрга бошчилик қилди. Лекин далага бўлган меҳри устун келди (отаси шу ерда райком секретари бўлган ва бир вақтлар чўл ўзлаштиришни бошлаган). Юсуфбой кўриққа консерваторияни битирган ҳотини билан, уч фарзанди ва ўттиз чоғли тенгдошлари ва дўстлари билан отланди.

У бизни машина-мелиоратив отряди бошлиғи Тўхтабой Худойқулов билан ва унинг уч ўртоғи: скреперчи Абдулла Иброҳимов ва бульдозерчилар Абдулла Пошабева ҳамда Максад Баллиевлар билан таништирди. Иигирма тўрт йигитдан ташкил топган отряд бу йилги экиш мавсумига 450 гектар янги ерни тайёрлаб улгурди, деҳқонлар уларнинг ишини чиғит экиб мустаҳкамлашди, бу совхоз районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини сентябрдаёқ бажаришга, бугунги кунгача эса 1.225 тонна ҳосил йиғиштириб олишга ончагина ёрдам берди. Аммо дала ҳозирги кунда ҳам очилган пахтадан оқариб ётибди: эсда йиғим-теримига ёшларнинг чоғроқ отряди (хўжаликда —деярли ҳаммаси ёшлар) билан бирга оталиқ ташкилотдагилар — Тўрткўл медицина билим юрти қизлари қаторида «Ўз даласи»га этак тутган таниш-билишларимиз —мелиораторлар ҳам чиқишди.

—Қўриққа кўпроқ одам керак, —дейди райком секретари. —Бу ёқларга келишни хоҳловчилар кўп. Аммо бу ерда тезроқ уй-жой қуриш керак, ҳа, уй-жой.

Мен бу ҳам Тўткўлнинг муҳим сабоғи деб ўйлаб қолдим: кейинги йилларда Мирзачўлда ҳам, Қарши даштида ҳам турар жой ва маданий-маиший қурилишда ортда қолишдан нолишяпти.

Биз Жамбасқалъадан Тўрткўлга қайтганимизда қоронғи тушиб қолганди. Қор авжинга оларди. Аммо теримчилар ҳамон далада эдилар.

—Осон келган мавсум тезда эсдан чиқиб кетади, — дейди Қосим Нурумбетов, —қийини эсда қолади. Аммо бунақаси ҳеч бўлмаган бўлса керак. Бугунгидек, республиканинг барча шаҳар ва поселёкалари қалб амрига биноан қишлоқларга ёрдамга ошиққани, одамлар бутун октябрда тиним билмаган жалада ишлагани, ноябрдаги шундай совуқда меҳнат қилгани ҳечам бўлмагандир.

Четдан юз минглаб шаҳарликларни жалб этишга мажбур бўлинган қийин мавсум ўз изини қолдирмай қўймайди: студентларда —галдаги семестрга, ишчи коллективларида —йилнинг сўнгги ойлари ишлаб чиқариш планларига, хўжаликларнинг ўзида эса—иктисодий рентабеллик даражасига таъсир этади. Аммо уларнинг ҳаммаси бир веча баравар иқтисодий ривожланиш натижа билан коплаб кетади, чунки пахта ўз оти билан пахта, унинг халқ хўжалигидаги ўрни маълум, маънавий қуввати ҳам бор— планни бажариш учун ҳамиша бутун халқнинг юксак онглилиги ва уюшқоқлиги керак.

Мамлакатнинг асосий «оқ олтин» цехида буни ҳамиша эсда тутишади. Тошкент, Хоразм, Бухоро областлари ва Қорақалпоғистон АССРдан кейин Навоий области пахта тайёрлаш планини бажарди. Кейинги кунларда Фарғона ва Андижон областларида тайёрлов суръатлари кескин кўтарилди. Сурхондарё области ҳамма йиллар учун рекорд саналган ипак пахта ҳосилини —263 минг тоннадан кўп ингичка толали пахта берди. Умуман Ўзбекистон бўйича 5.6 миллион тоннадан зиёд пахта тайёрланди. республика меҳнаткашлари ҳар кандай синовларда ҳам вазият юксаклигида, ҳамиша бўлганидек, Ватанга берган сўзга содиқ колиш учун интилмоқдалар.

Г. ДИМОВ.

«Известия» мухбири. Ўзбекистон ССР, Тўрткўл.

(«Известия» газетасининг 14 ноябрь сонидан).

Суратда: Қорақалпоғистон АССРнинг қўриқ Эллиққалъа районидаги пахта қабул қилиш пункти.

Р. Жуманиёзов фотоси.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ДЎСТЛИК ИТТИФОҚИНИНГ СЪЕЗДИ

БРАТИСЛАВА. Бу ерда Чехословакия — Совет дўстлик иттифоқи Словакия ташкилотининг съезди очилди.

Съезд делегатлари ўртоқ Л. И. Брежнев хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

Докладчи Чехословакия — Совет дўстлик иттифоқи Словакия Марказий Комитетининг биринчи секретари Карел Шавел ҳозирги вақтда қарийб бир миллион киши ташкилотга аъзо эканлигини айтди. Иттифоқ аъзолари Словакия меҳнаткашлари орасида коммунистик қурилишда совет халқи эришган ютуқларни пропаганда қилишга, уларни социалистик интернационализм, Чехословакия — Совет дўстлигига садоқат руҳида тарбиялашга катта эътибор бермоқдалар.

ПЕРУНИНГ ТАЛАБИ

ЛИМА. Перу Ташқи ишлар министрлиги ҳаво қатнови тўғрисида АҚШ билан тузилган битим тўхтатиб қўйилганлиги ва Перу томони янги битим тузилишини талаб этаётганлигини маълум қилди.

1946 йилдан бери амалдаги битим Қўшма Штатларга Перу авиакомпанияларига нисбатан камситувчи сиёсат ўтказиш имконини бермоқда. АҚШ шу йил июль ойида Перунинг «Аэроперу» компанияси манфаатларига зарар етказган ҳолда «Истерн эрлайнз» компанияси учун имтиёзли шароитларга эга бўлди. Ҳозирги вақтда Вашингтоннинг яна бир авиакомпаниянинг Перуда имтиёзли шартлар билан учишига рухсат берилиши учун уринмоқда.

Вашингтоннинг ҳаво қатнови тўғрисидаги камситувчи сиёсати Америка томони Перу газламаларини АҚШга импорт қилишни чеклаш соҳасида қабул қилган янги тадбирлар билан мушкуллашган икки томонлама муносабатларда яна бир омил бўлди. Перуда бу сиёсат қораланаётганлиги сабабли мамлакат президенти расмий визит билан АҚШга боришини бекор қилди.

КОБУЛДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

КОБУЛ. Афғонистон пойтахтида «Социал иқтисодий ривожланиш ва ҳарбий хавф» деган мавзудаги халқаро конференция ўз ишини давом эттирмоқда. Жаҳон Тинчлик кенгашининг ташаббуси билан чақирилган конференция қатнашчилари ўз нутқларида империализм, авж олдирган қуролланиш пойгаси, у чиқарган ҳарбий можаролар ёш мустақил давлатларни ўз ривожланишига зарар етказган ҳолда мудофаа учун харажатларни кўпайтиришга мажбур этмоқда, дедилар. Конференцияда 50 дан ортиқ мамлакат ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этмоқда. Фақат тинчлик ва тинч-тотув яшаш шароитидагина барча кучларни иқтисодий ва социал тараққиёт учун тўла сафарбар этиш мумкин.

Конференцияда сўзга чиққан Афғонистон ва Никарагуа вакиллари янги жаҳоний қуриш соҳасида ўз мамлакатлари эришган муваффақиятлар тўғрисида гапирдилар.

Халқаро анжуман иштирокчилари Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан СССРнинг АДРдаги элчихонасига бориб ҳамдардлик дафтарига имзо чекдилар.

МИЛИТАРИСТИК ИЎЛ ТАНҚИД ҚИЛИНМОҚДА

ЛОНДОН. Лейбористлар партиясининг «эҳтиётдаги» ҳукумати аъзоси Жон Силкин консерваторлар ҳукумати ўтказаётган милитаристик йўлни, унинг Британия оролларида Американинг қанотли ракеталарини жойлаштиришга, шунингдек сув ости ядро флотини янгилашга тайёр турганлигини кескин танқид қилди.

У «Лейбор уикли» ҳафтаномасининг мухбири билан суҳбатда бундай сиёсат мамлакат хавфсизлигини хавф остига қўяди, деди. Лейбористлар партияси, деб уқтирди у, ўзининг ядровий қуролсизланиш сиёсатига содиқ эканлигини таъкидлайди ва бу мажбуриятни ўзининг сайлов олди манифестига киритади. Англия диёрида Американинг ядро қуролини жойлаштиришдан воз кечиш — ҳозирги муроккаб халқаро вазият шароитида бирдан бир оқилона йўлдир.

Лейбористлар навбатдаги парламент сайловида ғалаба қозонган тақдирда, деди Ж. Силкин, Британиянинг «ядровий кучлари»ни кўпайтириш программасини амалга оширишдан воз кечиш ҳисобига ҳарбий харажатларни қисқартириш йўлини ўтказади.

ПОЛЬША — ҲИНДИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ

ДЕҲЛИ. Бу ерда Ҳиндистонга расмий визит билан келган Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министри С. Ольшовский билан Ҳиндистон ташқи ишлар министри П. В. Нарасимха Рао ўртасида музокаралар давом эттирилди. Икки томонлама муносабат масалалари, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўллари кўриб чиқилди.

(ТАСС, 14 ноябрь).

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ

14 ноябрь эрталабигача республикада 5.613.026 тонна пахта терилди. Шундан 3.079.501 тоннаси машиналар бункеридан бўшатилди. Шу кунгача 440.106 тонна қимматбаҳо ингичка толали пахта тайёрланди.

Ўтган куни тайёрланган 29.621 тонна хом ашёнинг 13.610 тоннаси машиналарда терилди. Бир кунда 1.301 тонна ипак пахта йиғиштириб олинди.

КАТТА МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР. Қўнғирот райони меҳнаткашлари давлатга 15.200 тонна «оқ олтин» сотиб, пахта тайёрлаш йиллик планини адо этдилар. Ҳар гектар ердан 26 центнердан ҳосил кўтарилди. Бу йилгидек оғир шароитда «Қўнғирот» совхозидан Ўроздой Умаров бошлиқ илғор бригада коллективи ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил кўтаришга эришди Бу кўрсаткич шу хўжаликдаги Гулойсин Бахраддинова бошлиқ бригадада 58 центнерни ташкил этди.

Район меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, она-Ватанга яна 800 тонна пахта сотиш мажбуриятини олдилар.

35 ЦЕНТНЕР УЧУН

ТОШКЕНТ. Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози меҳнаткашлари социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. 1.585 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32,1 центнердан ҳосил кўтарилиб, ялпи хирмон 5.080 тоннани ташкил этди. Б. Алибоев, К. Назимов, О. Хуршаков ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 35—40 центнерга етди. Хўжалик пахтакорлари 35 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

НАМАНГАН. Наманган районидаги Дзержинский номли колхоз меҳнаткашлари биринчи довондан ошдилар. Ҳар гектар ердан 35,7 центнердан ҳосил кўтарилди. Ялпи ҳосилнинг 60 проценти машиналарда териб олинди. Колхоз деҳқонлари яна 330 тонна пахта топшириб, ҳосилдорликни 39 центнерга етказиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Косонсой районидаги Худойбердиев номли совхоздан Пўлатхон Рахматов бошқарувчилик қилаётган бўлим маррага етди. Давлатга 2.270 тонна пахта сотилди. Ҳосилдорлик 36,3 центнерни ташкил этди.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

БУХОРО. Когон районидаги Калинин номли колхоз ва Шофиркон районидаги «Шофиркон» колхози пахтакорлари ғалаба рапортига имзо чекдилар.

Калинин номли колхозда ялпи ҳосил 4.050 тоннани ташкил этиб, ҳосилдорлик 37 центнерга етди. Ленин ордени нишондори Т. Саҳибоев, Ж. Рамазонов, Т. Жўраев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда бу кўрсаткич 42—45 центнерни ташкил этди. Н. Болтаева, М. Жўраева, Э. Умарова, М. Насриддинова каби чевар теримчилар хирмонга 10—12 тоннадан хом ашё тўкдилар. Ҳозир хўжалик далаларида 9 кўрак териш ва 5 кўрак тозалаш машиналари ишлаб турибди. Мавсум охиригача хўжаликда яна 500 тонна пахта тайёрланади.

«Шофиркон» колхози ҳар бир гектар ердан 41 центнердан ҳосил кўтариб 3.323 тонналик хирмон бунёд этди. Хўжалик деҳқонларининг ахди— ҳосилдорликни 50 центнерга, ялпи хирмонни эса 4 минг тоннага етказишдир.

СЎЗЛАРИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИЛАР

САМАРҚАНД. Пайариқ районидаги «Соҳибкор» совхози деҳқонлари юбилей йили учун олинган социалистик мажбуриятларини бажардилар. Хирмонга пландаги 870 тонна ўрнига 1.170 тонна «оқ олтин» топширилди. Ялпи ҳосилнинг 70 проценти машиналарда терилди. Ҳосилдорлик 42 центнерни ташкил этди. Н. Мислибоев ва Т. Эшонқулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил кўтарилди. Совхоз пахтакорлари яна 330 тонна пахта топшириб, ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

ДОВОН ОШИЛДИ

СУРХОНДАРЁ. Областда 14 ноябргача 7 район, 41 хўжалик, 1.400 дан зиёд бригада социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.

Шеробод районидаги В. Қодиров номли совхоз чўлқуварлари йиллик планни бажардилар. Хирмонга 6.970 тонна пахта топширилди.

Йиғим-терим охиригача совхозда ҳар гектар ердан яна 5 центнердан ҳосил кўтариш планлаштириб олинди.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

НАВОИЙ. Навоий районидаги «Зарафшон» совхозидан Олия Зарипова бошлиқ оилавий звено бир кунда хирмонга 370 килограмм «оқ олтин» топширди. Илғор теримчи ўз қизлари Олима ва Озодалар билан мавсумда 17,5 тонна пахта терди. Шонли юбилей шарафига оилавий звено аъзолари яна 2,5 тонна пахта теришга сўз бердилар.

ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ ОЛДИНДА

ХОРАЗМ. Шовот районидаги «Коммунизм» колхози пахтакорлари ҳар гектар ердан 38 центнердан «оқ олтин» кўтариб. йиллик планни адо этдилар. Эл хирмонига 5.300 тонна хом ашё топширилди. З. Матёқубов, А. Аҳмедов, F. Эгамов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 42—50 центнерга етди

Хўжалик далаларида 17 «зангори кема» юксак унум билан ишлатилди. Механизаторлар ялпи ҳосилнинг 3.150 тоннасини «пўлат этак»лардан бўшатишди

ШОЛИКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

СИРДАРЁ. Ворошилов районидаги «СССР 50 йиллиги» совхози деҳқонлари 15.200 тонна шоли етиштириб, катта ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга 11.500 тонна қимматбаҳо хом ашё сотилди. Ҳар гектар ердан 56 центнердан ҳосил кўтарилди. Хўжаликда шудгорлаш иши қизғин тус олди.

x x x

Боёвут районидаги Руцкий номли совхоз пахтакорлари маррага етдилар. Тайёрлов пунктларига 8.610 тонна пахта топширилди. Ҳосилдорлик 30,7 центнерни ташкил этди. Хўжаликнинг У. Эшонхонов ва М. Бўронов ўртоқлар бошлиқ бўлимларида ҳосилдорлик 32—36 центнерга етди. Йиғим-терим охиригача совхозда яна 600 тонна «оқ олтин» тайёрланади.

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 14 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён

ТОШКЕНТ	0,05	109,09	—	103,13
ҚҚАССР	0,42	107,18	0,30	90,35
ХОРАЗМ	0,31	107,03	0,46	98,86
БУХОРО	0,25	103,42	0,15	45,37
НАВОИЙ	0,28	100,29	0,39	77,83
Сурхондарё	0,32	94,51	0,24	60,25
Самарқанд	0,63	91,04	0,81	85,79
Фарғона	1,03	91,00	0,49	82,00
Қашқадарё	0,69	90,02	1,06	31,58
Андижон	0,73	89,84	—	71,59
Жиззах	0,51	89,51	0,02	77,54
Сирдарё	0,30	89,50	0,08	86,25
Наманган	0,60	87,50	0,52	61,92
Республика бўйича	0,51	95,30	0,35	78,56
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
НАМАНГАН	1,66	151,00	—	38,93
НАВОИЙ	0,27	141,17	0,03	116,43
БУХОРО	0,32	116,31	—	57,33
СУРХОНДАРЁ	0,31	114,88	0,52	89,09
ҚАШҚАДАРЁ	0,34	103,24	0,45	70,68
Республика бўйича:	0,34	112,85	0,44	81,91

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун қуйидаги район «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади:

Қўнғирот райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Абдиров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Матчонов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ешмуратов, райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Отеулиев, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдуллаев, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Режепов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Шарипов.

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

МУШКУЛ АҲВОЛ

Ҳозирги вақтда бутун АҚШни қамраб олган иқтисодий турғунликдан қандай қилиб тезроқ ҳоли бўлиш йўллари ҳарчанд изланса ҳам бу аҳвол узоқ давом этиши аниқ бўлиб қолди. Мамлакатда энг йирик «Бизнес Коунсл» корпорацияси 200 ташкилотнинг рахбарлари юз берган аҳволни синчиклаб ўрганиб чиққаларидан сўнг ана шундай хулосага келдилар.

Қўшма Штатлардаги ишбилармонликда жаҳонга машҳур кишилар ҳам ҳозирги кунда энг юксак поғонага кўтарилган ишсизлик даражасининг камайишига сира умид боғламаётганликларини маълум қилишмоқда. «Ишсизлик ўрушдан кейинги даврда энг юқори даражага кўтарилди» деб таъкидланади «Бизнес Коунсл» корпорациясининг докладида.

«Ҳозирги кунда эълон қилинган статистика маълумотлари рақамлари АҚШ экономикасининг аянчли аҳволда эканлигини кўрсатди» деб ёзади, ана шу муносабат билан мамлакат ишбилармон доираларининг журнали «Бизнес Уик». Бу аҳволдан қандай қилиб чиқиш мумкинлиги ҳамон муаммо бўлиб турибди, деб таъкидлайди журнал.

ЎЗ ЮРТИНИ ТАРК ЭТИБ

Ғарбий Берлинда аҳолининг камайиб бориш жараёни ҳамон давом этмоқда. Бу соҳада шаҳар жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бу ерда эълон қилинган статистика ахборотни маълумотларига нўра сўнгги беш ой ичида Ғарбий Берлинда 8100 киши камайган. 1970 йилдан то 1980 йилгача эса шаҳарда 220 мингдан ортиқроқ аҳоли қисқарган эди.

Кузатувчиларнинг фикрича, аҳолининг камайишига Ғарбий Берлин экономикасининг бир неча йилдан бери қийинчиликларга дуч келаётгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Ғарбий Берлиндаги аҳолининг бир қисми ўз юртини тарк этиб, бошқа хорижий мамлакатларга кочиб кетишга мажбур бўлмоқда. Булариинг ҳаммаси корхона эгаларининг ишчи ўринларини бетўхтов қисқартириб туришлари, саноат корхоналарининг бирин-кетин ёпиб қўйилиши, ишсизларнинг кўпайиши туфайли содир бўлмоқда. Ҳозир Ғарбий Берлинда ишга яроқли аҳолининг 8,3 проценти ишсиз.

ЖАМИЯТНИНГ ОРТИҚЧА ЮКИ

Ғарб мамлакатларида кўпроқ иш стажига эга бўлган, аммо ҳозирги кунда бир оз кексайиб қолган ишчиларнинг аҳволи тобора ёмонлашиб боряпти. Женевадан хабар берилишича, бу ерда жойлашган Халқаро меҳнат ташкилоти бу манзарадан жиддий ташвишланмоқда. Чиндан ҳам ишдан бўшаб қолган кекса ишчи бундан кейин бирор юмушга ўрнашиб олишни хаёл қилмаса ҳам бўлади. Ташкилотнинг «Миллатлар бирлашмаси» деб номланган махсус журналида юқоридаги фикрлар ғоятда ишончли тарзда далиллар билан кўрсатиб ўтилади. Баъзи ҳолларда ўрта ҳисобда 55 ёшдан ошган кишиларнинг фақат бир қисмигина бир амалдаб ишга жойлашишлари мумкин. Ана шу муносабат билан журнал меҳнат аҳлининг ушбу табақаси ғоятда таҳқир этилаётганини кўрсатиб ўтади. Бундай ишчиларнинг ягона «айби», деб таъкидлайди журнал, уларнинг кекса бўлиб қолганликларидир. Фақат шунинг учун ҳам улар Ғарб мамлакатларида жамиятнинг ортиқча юки деб ҳисобланадилар.

МАНГУЛИК

Леонид Ильич Брежневнинг юраги уришдан тўхтади. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи оғир жудоликка учрадилар. Улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, оташин ватанпарвар, атоқли революционер ва тинчлик учун, коммунизм учун курашчи, замонамизнинг жуда катта снёсат ва давлат арбоби Леонид Ильич Брежнев вафот этди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатидаги бу нохуш хабарни ўқир эканмиз, барчамиз тубсиз қайғуга ботдик. Наҳотки миллион-миллион кишиларнинг қадрдони, дўсти ҳаётдан абадий кўз юмган бўлса. Наҳотки ажойиб дўстдан ажраган бўлсак. Ахир Леонид Ильич энг юксак чўққидаги давлат арбобигина эмас, балки ҳар биримизнинг дўстимиз ҳам эди. У меҳрибон ва принципиал, сезгир ва мурувватли, халқ орзуўйлари билан ҳамиша ҳамнафас эди. Шунинг учун ҳам халқимизнинг бугунги қайғуси чексиз. Биз уни, у билан бўлган учрашувларни ҳамиша ёдда сақлаймиз.

Леонид Ильич Брежнев ва Ўзбекистон! Дадил айтиш мумкинки, кейинги икки ўн йиллик мобайнида республикамиз эришган барча муваффақиятлар унинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Леонид Ильич Брежнев серқуёш ўлкамизга биринчи марта 1964 йили —Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги нишонланган тантанали кунларда ташриф буюрган эди.

У биринчи келишидаёқ Мирзачўлни бориб кўрди ва уни комплекс ўзлаштиришнинг кўлами билан танишди. Леонид Ильич жазирама иссиқ ва гармсел остида қақраган, асрлар бўйи инсон қадамига интизор бўлиб ётган заминга қадам қўяр экан Қозоғистон қўриқларида ўтказган йилларини ўз хотирасидан ўтказмасдан қолмади.

Қўриқда шароит Мирзачўлдагидек жуда оғир, замин ўз саҳоватини кишиларга ихтиёрий равишда бергиси келмасди. У бамисоли кишиларга: «Сен аввало мени бойитгин, ташналигимни қондир, пешона терингни аямa, совуқ танимни қалб қўринг билан исит, шундагина сенга сийнамни очаман», деяётгандай эди. Кишилар шундай қилдилар ҳам: унга қалб қўри ва меҳри зиёсини бахш этдилар.

«Қўриқ менинг ҳаётимдан мустаҳкам ўрин олган, — деб эслаган эди Леонид Ильич Брежнев ўзининг ажойиб «Қўриқ» китобида. — Ҳамма нарса — 1954 йил январь ойининг изгирин кунларидан бошланди... Бизга топширилган ишнинг энг муҳими—қўриқ очишни таъминлашдан иборат эди. Вазифа ниҳоятда қийинлигини тушундим. Аввало, бу ғоят муҳим вазифани бажаришнинг тўғри йўлини топиш лозим эди».

Биз биламизки, Леонид Ильич бу вазифани ҳал этишнинг тўғри йўлини топди. Қозоғистон чўллари ўзлаштирилди. Эндиликда у мамлакатнинг йирик ғалла конн бўлиб қолди.

Замонамизнинг атоқли арбобига хос бўлган проблемаларга кенг миқёсдагина эмас, балки чуқур назар ташлаш ва асосий звенони илғаб ола билиш қобилияти Леонид Ильич Брежневнинг асосий сифатларидан бири эди. У масалани тушуниб, чуқур таҳлил қилиб олгач мақсадга эришишнинг конкрет йўлини белгиларди.

1964 йили Мирзачўл хусусида ҳам ана шундай бўлган эди. Леонид Ильич чўлни ўзлаштиришнинг бориши билан танишиб чиққач, асосий эътиборни қўриқни комплекс ўзлаштириш зарурлигига қаратди. Йирик пахтачилик районини вужудга келтириш учун раҳбарлардан чўлга икки йўналишда ҳужум олиб бориши —ерларни ўзлаштириш ва яшнатиш лозимлигини таъкидлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати раҳбарлари билан ҳар галги учрашувда ғалабага фақат шу йўл билан эришиш мумкин, деб таъкидларди. Бизга маълумки, шундай ғалабага эришдик, ҳозир Мирзачўл йирик «оқ олтин» днёрларидан бири. Бу ерда ажойиб посёлкалар қад кўтарди, уларда чўлқуварлар бахтиёр ҳаёт кечирмоқдалар. Қўриқни ўзлаштириш эса давом этяпти. Эндиги навбат —Жиззах даштига. Пахтазорлар тобора кенгайиб, чўл ичкарисига кириб бормоқда. Унинг четида эса электр узатиш линиялари, далаларга оби-ҳаёт элтувчи бетон новлар, янги агрошаҳарчалар қад тикламоқда. Биз Леонид Ильичнинг маслаҳатларини ҳамиша ёдда сақлаймиз ва унга амал қиламиз. Жиззах дашти ҳам комплекс ўзлаштирилади.

Биз, ўзбекистонликлар сғир табиий офат юз берган йилни унута олмаймиз. 1966 йил 26 апрель куни соат 5 дан 23 минут ўтганда Тошкентда зилзила содир бўлди. Орадан бир неча соат ўтгач республика пойтахтига махсус самолёт билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ўртоқлар учиб келишди.

Замин силкиниб турганига қарамай Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари икки кун мобайнида тошкентликлар билан бирга бўлдилар —зилзиладан зарар кўрган районларни кўздан кечириб, кишилар билан суҳбатлашдилар. 28 апрель куни Леонид Ильич Ўзбекистон партия активи йиғилишида нутқ сўзлади. Унинг нутқи вазмин ва ишчан эди. Юқорида айтиб ўтилган фазилат бу ерда ҳам намоён бўлди. Муаммоларни яхлит тарзда кўра билиш, унинг асосий омилини топа билиш қобилияти яна яққол намоён бўлди. Шаҳар вайронага айланган, ўн минглаб одамлар бошпанасиз қолган бир пайтда Коммунистик партия раҳбари янги Тошкент бунёд этилишини, у олдингисидан ҳам чиройли бўлишини дадил баён этди.

Чиндан ҳам янги Тошкент қад кўтарди. Эски биноларга ва гувала уйлар ўрнида муҳташам бинолар, янги уй-жойлар бунёд этилди. Тошкентни бутун мамлакат қурди. Уч ярим йил мобайнида Ўзбекистон пойтахтида 3 миллион 200 минг квадрат метр уй-жой, кўплаб саноат объектлари ва ўнлаб мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар, клублар қурилди. Вайроналар орасидан дўстлик ва қардошлик шаҳри қад ростлади. У ҳозир 1966 йилнинг қийин ва саросимали кунларида Леонид Ильич Брежнев бошорат қилганидек мағрур ва гўзал бўлиб турибди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бизнинг серқуёш ўлкамизга сўнги бор ҳақингинада — шу йилнинг март ойида ташриф буюрди. Ватан равнақи йўлида қилинган шавқатли меҳнат учун Ўзбекистон ССРга учинчи Ленин ордени топширилган умумхалқ тантаналари куни ҳали ёдимизда. Биз унинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг қўшма мажлисида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги суҳбат чоғида сўзлаган ниҳоятда самимий, шу билан бирга партиявий принципиал нутқларини яхши эслаймиз. Биз Леонид Ильич кўрсатган йўл-йўриқ ва маслаҳатларни эслабгина қолмай, уларнинг ҳаммасини ҳаётга тадбиқ этмоқдамиз. Биз унинг Тошкент область Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашлари ва Тошкент трактор заводи ишчилари билан бўлган учрашувларини эсда сақлаймиз. Биз буларнинг ҳаммасини сира унутмаймиз...

Ҳозир республика далаларида олти миллион тонна пахта учун кураш сўнгги босқичга кирди. Табиат инжиқликлари ва сув танқисликларига қарамай лафзи ҳалол деҳқонлар партия ва халққа берилган ваъдага муваффақ юбилей йилида мўл ҳосил етиштиродилар. Улкан марраниг эгалланишига жуда оз вақт қолди. У албатта, забт этилади. Қадрдонимиз Леонид Ильич олдимизга қўйган пахта сифатини ошириш борасидаги вазифалар ҳам сўзсиз бажарилади. Бу бизнинг мамлакат олдидаги, Леонид Ильичнинг ёркин хотираси олдидаги бурчимиздир.

Барча халқлар учун тинчлик —Коммунистик партия ташқи сиёсат фаолиятининг асосий мезони бўлиб келди. Ленин ишининг содиқ давомчиси Леонид Ильич Брежнев тинчлик, халқлар ўртасида дўстлик ва қардошлик қарор топишининг оташин курашчиси бўлди. Ишчи фарзанди, ўзи ҳам ишчи, бўлган, бутун урушни олдинги марраларда ўтказган жангчи, партия ва давлат арбоби Леонид Ильич тинчликни нақадар юксак қадрлар эди. У халқларни ўз моддий ва маънавий бойликларини беҳуда сарфлашга дучор қилувчи урушга тайёргарлик эмас, балки тинчликни мустаҳкамлаш — эр кишиларнинг меҳр- муҳаббатига сазавор бўлди. Тинчлик ва социализм, тинчлик ва бизнинг буюк мамлакатимиз партия ва Леонид Ильич Брежнев раҳбарлигидаги унинг Марказий Комитети фаолияти туфайли миллионмиллион меҳнаткашларнинг онгидан янада мустаҳкамроқ жой олди. Шу боисдан ҳам партия ва давлатимиз раҳбари тақдирланган мукофотлар орасида Ф. Жолио-Кюри номидаги «Тинчлик Олтин медали»нинг борлиги бежиз эмас.

Леонид Ильич ўзининг бутун кучи, билими ва ғайратини том маънодаги коммунист бўлиб қолишга сарф этди. У ўспиринлик чоғиданоқ ўз ҳаётини улуғ Ленин партиясига бағишлади ва унинг муқаддас идеалларига содиқ бўлиб қолди. Ривожланган социализм босқичида мамлакатимиз эришган иқтисодий ва социал-маданий муваффақиятлар Леонид Ильич Брежневнинг номи билан узвий боғлиқдир. У партия ленинча штаби —унинг Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси фаолиятига доимий равишда, социалистик демократияни такомиллаштиришда, халқ фаровонлигини юксалтириш йўлини белгилаш ва рўёбга чиқаришда, мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашда жуда катта роль ўйнади.

Леонид Ильич жонажон халқининг орзу-ўйларини ғоят чуқур ҳис этарди. У одамлар билан ишлаш санъатини ўзи бўйи ўрганди ва бошқаларга ҳам шуни ўргатди. Унинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» трилогияси ва «Эсдаликлар»и ҳар бир коммунистнинг, барча совет кишиларининг севимли китоблари бўлиб қолди. Уларни ўқир эканмиз, бамисоли доно ва оддий инсон билан юзма-юз суҳбатлашгандай бўлади, киши. Бу буюк асарларда битта бош фикр бор. Бу инсонга муҳаббат, унга ишонч билдириш туйғусидир. Бизнинг партиямиз ўзининг ишини ҳудди шуига, меҳнаткашларнинг туганмас ижодий имкониятларига ишонган асосида ташкил этади. Китобда келтирилган кўпгина лавҳаларда хўжалик ва маданий қурилишга партиявий раҳбарликнинг услуб ва методлари баён этилади. Бу ишчанлик, принципиаллик, ҳар бир инсонга алоҳида эътибор билан муносабатда бўлиш усулидир.

Леонид Ильич халқ орасидан чиқиб, ҳамиша халқ орасида, ҳаётнинг қизғин жойларида бўлди. У ҳамиша халқ ҳаётини ҳис этиб турарди. У доимо халқнинг орзу-ўйларига, эҳтиёжига яқин турарди.

Ленин тўғрисида «Ҳақиқат сингари оддий» деган ажойиб ўхшатиш бор. Бу сўзлар содиқ ленинчи Леонид Ильич Брежневга ҳам тааллуқлидир.

Леонид Ильич қаерда бўлмасин —Кичик ердами, бепоён қўриқдами ўзининг инсоний сифатлари билан барчанинг меҳрига сазавор бўлди. У қаерда бўлмасин кўплаб дўстлар орттирди. Оддий деҳқон ёки йирик раҳбар, олим ёки космонавт бўлмасин, у аввало ҳаммани инсон сифатида қадрлар эди. Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг халқ селекционер-цитрусчиси Зайниддин Фахриддиновнинг Леонид Ильич билан учрашуви тўғрисида кўз ёши ила айтган сўзларини тўлқинланмасдан тинглаш қийин.

—Мен оддий деҳқон ўғлиман. Узоқ ва машаққатли умр кечирдим. Ҳаётим давомида кўп нарсаларни кўрдим, кўп кишиларни учратдим. Аммо, Леонид Ильич ўзининг оддийлиги, самимийлиги, одамларга нисбатан чексиз муҳаббати билан менинг ром этди. Леонид Ильич билан учрашганимдан сўнг бэмисоли ёшгарандай, қайта туғилгандай бўлдим.

Леонид Ильич билан яқиндан суҳбатлашиш, унинг маслаҳат ва йўл-йўриқларини эшитиш бахтига муяссар бўлган барча кишилар уни ана шундай баҳолайдилар. Кишилар қалбидан жой оладиган доно ва камтар содиқ ленинчининг куч-қудрати ҳам ана шунда эди. У халқ орасидан чиққанлиги сабабли халқ донишмандлигини севарди. Шу боисдан ҳам унинг нутқлари ва суҳбатларида, эсдаликларида матал ва мақоллар, халқ афоризмлари кўплаб учраши бежиз эмас.

Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий: «Одами эрсанг демагил одами, Оникким йўқ халқ ғамидин ғами», деган эди. Леонид Ильич ўзининг бутун ҳаётида ана шу ҳақиқатни тасдиқлади. Унинг асарлари ҳақиқий инсонлар ҳақидаги ўлмас қиссадир. Уларни қайта-қайта ўқир эканмиз, Советлар мамлакатида инсон гўзал, унинг замини ҳам гўзал эканлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қиламиз. Чиндан ҳам ер юзида инсон бўлишнинг ўзи «ажойиб лавозимдир».

Леонид Ильични 18-Армия, 4-Украина фронти жангчи ва офицерлари муҳаббат ва миннатдорчилик билан хотирлайдилар. Уни Днепродзержинский металлургларн муҳаббат ва миннатдорчилик билан эслайдилар. У қўриқ қаҳрамонларининг хотирасида абадий.

У Ўзбекистон пахтакорлари, соҳибкорлари, машинасозлари, чорвадорларининг қалбида ҳам мангу яшайди. У мамлакатнинг ҳар бир меҳнаткаши, планетадаги ССФ ниятли кишиларнинг юрагида абадий яшайди.

Леонид Ильичнинг халқ қалби билан муштараклиги бебаҳо ва тенгсиз кучга айланганки, бу кучни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида эришилган муваффақиятлар ва тарихий ғалабаларимизнинг гарови бўлди.

Унинг номи мангу яшайди.

Л. ПАК,
Н. КОПЕЙКИС,
В. ЗИМЕНКО.

СПОРТ

ШАХМАТ

ҲУРМАТ ШОХСУПАСИ САРИ

Мамлакатимизнинг эркаклар ва хотин-қизлар терма командаси Швейцариянинг Люцерн шаҳрида утказилаётган Бутун жаҳон шахмат Олимпиадасида муваффақиятли иштирок этишяпти. Шунинг эътиборга лойиқки, вакилларимиз ҳар бир учрашувда чиройли комоннацизлар намойиш этиб, шахмат муҳлисларига завқ-шавқ бағишлашмоқда.

Шахматчиларимиз ўн иккинчи турда ҳам яхши иштирок этиб, пешқадамлик мавкеларини янада мустаҳкамлаб олишди. Бунда эркаклар терма командамиз Румния спортчилари билан бахс юритишди. Жаҳон чемпиони Анатолий Карпов қора доналар билан гроссмейстер Георгиуга қарши ўйнади. Бунда жаҳон чемпиони аста-секин ўз позициясини яхшилашга эришди. Кечиктирилган учрашув давом эттирилганда эса бир пиёдани ютди. Шундан сўнг ўйин иккинчи бор кечиктирилди. Лекин Георгну курашни давом эттирмасданоқ мағлуб бўлганини тан олди. Каспаров ҳам рақиби Шуба билан бўлган ўйинни тактик жиҳатдан моҳирона ўтказиб, чиройли ғалабага эришди. Шунингдек, Белявский Чокилтяни енгди. Юсупов ва Гинда ўртасидаги партия дуранг билан якунланди.

Хотин-қизлар терма командамиз ҳам бу турда муваффақиятли қатнашдилар. Улар Хиндистон терма командасини 3:0 ҳисобида мағлуб этишди. Бунда Чибурданидзе, Гаприндашвили, Носеленилар ўз рақиблари билан бўлган партияларда ғалабага эришишди.

Яна икки турдан сўнг бу йилги Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси ниҳоясига етади. Ҳозирда мамлакатимиз эркаклар ва хотин-қизлар терма командалари ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин эгаллаш учун астойдил даъвогарлик қилишмоқда.

МЕРГАНЛИК

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Венесуэла пойтахти Каракасда мерганлик бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионати маррага яқинлашмоқда.

Умуман жаҳон чемпионати бошланган кундан бошлабоқ мамлакатимиз мерганлари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Шу кунга келиб СССР терма командаси 31 олтин, 13 кумуш ва 12 бронза медалини қўлга киритиб, умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни эгаллаб турибди. Иккинчи ва учинчи ўринларда эса бор-йўғи учтадан олтин медаль соҳиби бўлган ГДР ва АҚШ терма командалари боришмоқда.

Куни кеча СССР терма командаси ўз ҳисобидаги медаллар шодасини яна учтага бойитди. Чунончи хотин-қизларимиз команда ҳисобида олтин медаль билан тақдирланишди. Шахсий ҳисобда эса львовлик Леся Леськив ва москвалик Анна Малахова кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди. Шунингдек, яна уч нафар мерганимиз шахсий ҳисобда ғолиблик учун курашни давом эттирмоқда.

БАСКЕТБОЛ

ЧЕМПИОНЛАР КУБОГИ УЧУН

Спортнинг баскетбол тури бўйича Европа чемпионлари Кубоги учун навбатдаги учрашувлар ўтказилди.

Эркаклар турнирида Будапештнинг «Гонвед» клуби Загребнинг «Цибон» командасини 89:87 ҳисобида мағлубиятга учратди. Мадриднинг «Реал» баскетболчилари эса кутилмаганда Англиянинг «Кристал Пэлэс» клубига ютқазиб қўйишди— 81:89. Хотин-қизлар турнирида икки учрашув йириқ ҳисоб билан якунланди: —«Виченца» (Италия) — КАВП (Греция) — 110:43, «Прага»— «Блэк стар» — 128:32.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

ХУШХАБАРЛАР

Смоленск областида, Дорогобуж шаҳрида Намангандан энг яхши нав қовунлар жўнатилди. Икки вагон қовун ортган кооператорлар шу адресга сара мевалар, сабзавот полиз маҳсулотларини биринчи марта жўнатаётганлари йўқ: чунки Наманган шаҳри Дорогобуж ишчилари билан дўстлик алоқаси ўрнатган. Дорогобуждлик ишчилар область маркази корхоналари учун энг янги машина-ускуналар жўнатиб турибдилар.

●

Бундан буён Термиз аҳолиси телевиденияннг Бутуниттифоқ иккинчи программасини бемалол кўришлари мумкин. Бу ерда Жарқўрғондан реле линияси орқали тасвирни қабул қилиб оладиган янги передатчик ишлай бошлади. Ҳозир Сурхондарёнинг бошқа аҳоли пунктларида ҳам Москванинг иккала программасини кўриш имконини берадиган қўшимча аппаратлар монтаж қилинмоқда.

●

Чустдаги автомобилларга техника хизмати кўрсатувчи станция турли маркадаги машиналарни ремонт қилмоқда. —Бу ерда энг янги машина-механизмлари бўлган катта комплекс ўрнатилди, замонавий цехлар қурилди. Улар янгича жиҳозланди. Станция асбоб-ускуналари парки ғилдиракларни созлайдиган стендлар, кўтаргичлар, турли станоклар билан тўлдирилди. Станция ишлай бошлагандан бери ўтган беш йил давомида автомобилчиларга корхона кўрсатаётган хизмат ҳажми ўн баравар кўпайди.

●

Қаршида қурилаётган матбуот уйида полиграфия машиналари монтаж қилина бошланди. Матбуот уйи «қўриқ пойтахти»даги янги жамоат маркази комплексига киради, бу ерда область газеталари редакциялари, босмахона, нашриёт корхоналари жойлашади. Газ химияси индустриясининг навқирон шаҳри Муборакда типовой лойиҳа асосида яна бир матбуот уйи бунёд этилмоқда.

●

Чуст механизациялашган кўчма колоннаси ғишт заводининг қуввати икки ярим баравар оширилди. Корхонани реконструкция қилиш тугалланди. Эндиликда корхона йилига 5 миллион дона ғишт ишлаб чиқара олади. Айни вақтда завод ҳузурида оҳак цехи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда ҳар йили 2 минг тонна оҳак ишлаб чиқарилади.

●

Ховос районида Ватанимиз юбилейи арафасида «СССР 60 йиллиги» номли янги совхоз ташкил этилди. Хўжалик область колхоз ва совхозларига озуқа етказиб берадиган бўлади. Янги совхоз деҳқонлари мелиораторлардан маккажўхори, рапс ва беда етиштириш учун 500 гектар ер олдилар. Келгуси йил вегитацияси учун ерларни тайёрлаш билан бир қаторда 200 бош қорамол боқишга мўлжалланган чорвачилик комплекси ва 750 тонна озуқа сиғадиган силос омбори қурилмоқда.

(ЎзТАГ).



ОҚҚУШЛАР САЙРДА.

М. Нуриддинов фотоэтюди.

ЛИМОН ПИШДИ

Сурхондарё цитрусчилари ҳосилни терб олишга киришдилар. «Хазарбог», «Сурхон», К. Рахимов номли совхозларда мўл ҳосил —ҳар бир дарахтдан 300 тадан кўпроқ лимон терб олинмоқда. Сурхондарёдаги йиғирматага яқин хўжаликда лимонзор бор. Бир қанча корхоналар ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларида ҳам лимонзорлар ташкил этилган. Областда жами 45 гектар майдонда цитрус экинлари экилган. Қимматли субтропик экин майдонларини янада кенгайтиришга тайёргарлик кўрилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ЧЎПОНЛАР ҲУЗУРИДА КЎЧМА МАГАЗИНЛАР

Деҳқонобод район матбуот жамиятининг «СССР 50 йиллиги» совхози чўпонларига хизмат кўрсатувчи кўчма дўконлари ёзги мавсумни тугаллаядиар. Улар Хисор тоғ тизмасидаги далаларда жойлашган хўжалик ойлаларидан қайтиб келдилар. Чўпонларга иссиқ кийим, тоғли қишлоқлардаги магазинларга кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

(ЎзТАГ мухбири).

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ МАДАДИ

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан фаолиятини активлаштириб юборган Избоскан район маданият бўлими ходимлари пахтакорларга маданий хизмат кўрсатишдан ташқари бевосита улар билан ёнма-ён туриб, «оқ олтин» ҳосилини йиғиштириб олишда фаол қатнашмоқдалар. Кутубхоначилар, район маданият уйи ходимларидан иборат ҳашарчилар шу кунларда «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг 5-бўлими пахтакорларига кўмаклашмоқдалар.

Ҳашарчиларнинг ҳозиргача терган пахтаси 100 тоннадан ошди. Улар яна 20 тонна пахта териш ва бу билан республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонига ўзларининг муносиб улушларини қўшишга қарор қилишган. Дилбархон Исоқова, Жамилахон Мадумарова, Насибахон Ҳайдарова, Турғунбой Холиқов, Нўъмонжон Холиқов каби меҳнатсевар ҳашарчилар кундалик нормаларини 1,5—2 ҳисса қилиб бажариб, бошқаларга намуна бўлишяпти.

А. ОМОНБОЕВ,
М. ПЎЛАТОВА.

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Қува районидаги «Социализм» колхозининг деҳқонлари билан Ленинград шаҳридаги Киров номли завод ишчилари ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилганига ярим асрдан ошди. Мана шу дўстлик туфайли жуда кўп рус ва ўзбек ишчи-деҳқон оилалари ўртасида борди-келди, ўзаро қардошлик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Завод ишчилари колхозчиларнинг қишлоқ хўжалик ишларини енгиллатиш мақсадида «Т-4» тракторлари ва техникавий запас қисмлардан ёрдам бериб туришади.

1981 йили мана шу ҳамкорликка аталиб колхоз марказида «Дўстлик тарихий музейи» очилган эди. СССРнинг 60 йиллиги шарафига «Ўзбекфильм»нинг бир группа ходимлари кинодраматург Жасур Исоқов сценарийси асосида «Дўстлик ҳақида фильм» ҳужжатли картинаси устида иш олиб боришмоқда. Ленинград шаҳрини фашизмдан озод қилишда, урушнинг энг оғир кунларида жасорат кўрсатган Абдуллажон Исоқов ва Равшанбой Қирғизбоевларнинг ватанпарварлик жасоратлари ва колхоз меҳнаткашларининг шаҳар аҳолисига кўрсатган беғараз ёрдамлари фильмга асос қилиб олинган. Улуғ Ватан урушидан кейин ана шу дўстликни янада мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ишлар ҳам суратга олинмоқда.

Ш. ХОЛИДДИНОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

СЕШАНБА
16 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Олтин куз». Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси болалар Катта хори рақс группаси иштирокида музикали кўрсатув.
10.10 А. Ремез. П. Штейн. «Гренада». Ленин комсомоли номли театрнинг фильм-спектакли.
11.55 «Анна Герман. Тақдир ва қўшиклар».
12.55 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Озиқ-овқат программаси—умумхалқ иши». Ҳужжатли фильмлар:
«Заволжьедаги қишлоқда».
«Раздан варианти».
«Оқ йўл, узум!»
16.00 Халқаро конкурслар лауреати А. Гаврилов ижро этади (фортепьяно).
16.50 Мактаб ўқувчиларининг артиллерия Маршали К. П. Казаков билан учрашуви
17.35 «Мана яна дераза». Телевизион фильм.
18.35 «Петрушка ҳақида». Мультфильм.
18.50 «Қўшиқ қанотида». Концерт.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Беш йиллик: ишлар ва одамлар». «Целиноградсельмаш» бирлашмаси.
20.00 Тюмень филармонияси рус халқ чолғулари ансамбли ижро этади.
20.15 Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.15 Спорт программаси.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Қуёш шамоли». Илмий-оммабоп фильм.
9.35 ва 10.45 Ботаника. 5-синф. Уруғлар.
9.55 «Шу гўзал ва шиддатли оламда». Илмий-оммабоп фильм.
10.15 ва 14.10 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. Халқ ва мулоқот маданияти. 1-курсатув.
11.35 ва 12.40 География. 6-синф. Австралиянинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси.
12.05 «Шахмат мактаби».
13.10 Тарих. 9-синф. Москвадаги Декабрь қуролли қўзғолони.
13.40 Физика. 6-синф. Оғирлик ва вазнсизлик.
14.40 «Сенинг ленинча кутубхонанг». «Лев Толстой —рус революциясининг кўзгуси».
15.25 И. Бабель. Асарлари саҳифаларида.
16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Давлат мукофотининг лауреати С. Красаускас.
19.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Торпедо». 2- ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.15 «Эҳтиёт бўлинг, яхмалак». Телевизион бадиий фильм. (ГФР).

● ЎзТВ I

16.55 Кўрсатувлар программаси.
17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — МАСК. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Ҳур республикалар бузилмас иттифоқи».
19.15 «Медиклар пахтакорлар хизматида».
19.45 Ҳужжатли фильмлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Хирмонингизга барака».
22.30 Бадиий фильм.
23.55 Янгиликлар.

«ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р—07498.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000. ТОШКЕНТ —П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*
ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўрин босарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26 Секретариат — 32-54-48, 32-56-25 Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36 Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-33-81-42. 56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.
Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.
Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1163.